

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** 25-26-сон  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ** (161-162)  
**ТЎПЛАМИ** 2005 й.  
июнь

---

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## **МУНДАРИЖА**

### *Иккинчи бўлим*

177. «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ–3620-сон Фармони
178. «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги ПФ–3622-сон Фармони
179. «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги ПҚ–110-сон қарори
180. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 июндаги ПҚ–112-сон қарори

*Учинчи бўлим*

181. «Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 июндаги 152-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

182. «Активлар сифатини таснифлаш, улар юзасидан эҳтимолий зарарлар бўйича тижорат банклари томонидан ташкил этиладиган захираларни тузиш ва фойдаланиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 11 июндаги 13/8-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 20 июнда 632-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
183. «Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 майдаги 10/1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 20 июнда 949-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
184. «Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасида чет эл валютасида тузилган экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисоб-китобларни ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 21 июндаги 55, 59, 263-В, 01-02/19-16-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 23 июнда 1482-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
185. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 28 майдаги 11/13-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 27 июнда 1455-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
186. «2005 йилда юкларни транспортда ташиш учун Ўзбекистон Республикаси ичида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва Тожикистон Республикасининг давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 16 июндаги 53, 264-В-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 27 июнда 1483-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
187. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (23-сон БҲМС) «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»ни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вази-

рининг 2005 йил 12 апрелдаги 37-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 27 июнда 1484-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

188. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сон БҲМС) «Номоддий активлар»ни тасдиқлаш тўғрисида» (янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 12 апрелдаги 37-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 27 июнда 1485-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 18 июндан 1 июлгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **177** Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида

Кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ва улушини тубдан ошириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилсин.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари иловага мувофиқ белгилансин.

Ягона солиқ тўлови ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача ҳар чоракда тўланиши белгилаб қўйилсин.

2. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, акциз солиғи олинадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини ҳисоблаш чоғида солиққа тортиладиган база акциз солиғи суммасига камайтириладиган тартиб ўрнатилсин.

3 Янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш, кечиктирилган суммани имтиёзли давр тугагандан кейин тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005 йилнинг 1 июлигача: ягона солиқ тўловини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда давлат мақсадли жамғармалари ўртасида тақсимлаш нормативларини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки билан биргаликда ягона солиқ тўловини ҳисоблаш, тўлаш ҳамда уни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Қуйидагилар белгилансин:

илгари микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларида берилган солиқ имтиёзлари ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида амал қилади;

ягона солиқ тўловини тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер майдоналари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда уч ой муддатда «Солиқ маслаҳатчилари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, лойиҳада тадбиркорлик субъектларини солиқ қонунчилиги соҳасида маслаҳат ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлашнинг амалий механизми кўзда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
2005 йил 20 июнь,  
ПФ-3620-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сонли  
Фармониغا  
ИЛОВА

#### Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари

Тўловчилар	Сотилган товарлар (бажарилган ишлар, хизматлар) ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида
1. Иқтисодиёт барча тармоқларининг корхоналари, 2—4-бандларда кўрсатилганлари бундан мустасно	13
2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, ягона ер солиғини тўлайдиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно	6
3. Юридик ва жисмоний шахсларни (жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш лицензиясига эга бўлган корхоналар	30
4. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар	50

Эслатмалар:

1. Харид, таъминлаш-сотиш корхоналари, брокерлик фирмалари, комиссия шартномаси бўйича хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларига ягона солиқ тўлови жорий этилмайди, улар учун ягона солиқ ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига

мажбурий ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби ва белгиланган ставкалари сақлаб қолинади.

2. Лизинг компаниялари учун ставка лизинг берувчининг даромади (маржа)га нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **178** Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш мақсадида, шунингдек жавобгарликни қўллашнинг халқаро умумҳуқуқий принципларидан келиб чиққан ҳолда:

1. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятли, шунингдек Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда материалларни суд органларига тақдим этмасдан фақат маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

2. Материаллар суд инстанцияларига топширилган ҳолларда, тадбиркорлик субъекти солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик учун содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қоплаган ҳамда унинг оқибатларини бартараф этган, жумладан пеня тўлаган тадбиркорлик субъекти молиявий санкциялар қўлланилишидан озод этилиши белгилаб қўйилсин.

3. Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва янада ислоҳ қилиш соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда маъмурий ислохотларни амалга ошириш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги таклифлари иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси иловада кўрсатилган таклифларни белгилаш тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритсин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини уларга мувофиқлаштирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

ўн кун муддатда — ҳуқуқбузарлик ва унинг оқибатлари хусусиятига қараб

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

молиявий санкциялар бекор қилиниши ёки миқдорлари камайтирилишини, шунингдек айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни тадбиркорлик субъектларидан уларнинг мансабдор шахслари зиммасига юклашни назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни;

бир ой муддатда — қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 24 июнь,  
ПФ-3622-сон

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **179** Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Қайд этилсинки, «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги тегишли 595-сонли қарорини ижро этиш юзасидан Халқ банки ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан жамғариб бориладиган пенсия тизимини амалда жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Республиканинг барча минтақаларидаги Халқ банки бўлимларида хўжалик юритувчи субъектларнинг тақдимномаси бўйича фуқаролар учун яқка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очилган, шахсий жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари берилмоқда, жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйишнинг электрон маълумотлар базаси шакллантирилмоқда.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳамда бошқа тегишли органлари томонидан фуқароларнинг шахсий кодини бериш, айрим хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан фермер хўжаликлари томонидан ходимларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш учун Халқ банки филиалларига маълумотлар тақдим этиш ишлари хали талаб даражасида ташкил этилмаган.

Аҳоли ўртасида жамғариб бориладиган пенсия тизимининг афзалликлари тўғрисидаги тушунтириш ишлари етарлича олиб борилмаяпти, пенсия жамғармаларини фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари ҳисобига эмас, балки давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган маблағлардан ажратмалар ҳисобига шакллантириш механизми ва хусусиятлари суғурилмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, жамғариб бориладиган пен-

сия тизимининг барқарор ишлашини ва техника билан тегишли даражада жиҳозла-  
нишни таъминлаш мақсадида:

1. Фуқароларнинг якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақла-  
рига мажбурий бадаллар жисмоний шахслар даромад солиғининг бюджетга йўнал-  
тириладиган бир қисми ҳисобидан амалга оширилиши ҳамда бюджетга тўланадиган  
солиқлар ва мажбурий тўловларга тенглаштирилиши маълумот учун қабул қилин-  
син.

2. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб барча юридик шахслар фуқароларнинг  
жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадаллар ажратишни жисмоний  
шахслар даромад солиғини бюджетга белгиланган шакл ва муддатларда тўлаш би-  
лан бирга амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марка-  
зий банки Халқ банки билан биргаликда икки ҳафта муддатда иш берувчилар томо-  
нидан фуқароларнинг якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақ-  
ларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни иш-  
лаб чиқиб, тасдиқласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юридик шахс-  
лар томонидан мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг тўғрилиги,  
тўлиқ ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказилиши ҳамда фуқароларнинг якка тартибда-  
ги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшилиши устидан назорат  
ўрнатиш вазифаси юклансин.

Белгилансинки, фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига  
бадаллар ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилмаганлиги учун айбдор шахсларга нисбатан  
солиққа оид амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсир чоралари қўлланила-  
ди.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва  
туманларнинг ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Мо-  
лия вазирлиги, Халқ банки, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот  
агентлиги билан биргаликда:

аҳоли ўртасида жамғариб бориладиган пенсия тизимининг механизми ва аф-  
залликлари тўғрисидаги тушунтириш ишларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар  
мажмуини доимий асосда амалга ошириб борсинлар, бунда фуқароларнинг жамға-  
риб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларни бюджетга ажратмаларни  
камайтириш ҳисобига шакллантириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ва фу-  
қароларнинг манфаатларини камситмайдиган тартибига алоҳида эътибор берсинлар;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг принципиал хусусиятлари ҳамда уни  
жорий этишнинг ижобий тажрибасини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг  
имкониятларидан кенг фойдалансинлар.

5. 2005-2006 йилларда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг барқарор  
ишлаши учун Халқ банкни босқичма-босқич замонавий компьютер техникаси ҳамда  
программалари билан таъминлаш тадбирлари ва харажатларнинг прогноз кўрсат-  
кичлари дастури 1-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, харажатларнинг узил-кесил чекланган миқдорлари тен-  
дер савдоларининг натижаларига қараб ўрнатилади, тежаб қолинган маблағлар  
жамғариб бориладиган пенсия тизимига хизмат кўрсатиш учун Халқ банкни қўшим-  
ча равишда жиҳозлашга йўналтирилади.

6. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

1-иловада кўрсатилган харажатларнинг 51 фоизи — бюджет ссудаси ҳисобига;

---

\* 1-илова берилмайди.



49 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фойдаси ҳисобига молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Халқ банки буюртманомалари бўйича ўз фойдаси ҳисобидан 6,9 млрд. сўм, шу жумладан 2005 йилда 4,6 млрд. сўм миқдорда маблағ ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Халқ банки ўрнатилган тартибда ўзининг устав жамғармасини ўз муассисларининг қонун ҳужжатларида белгиланган улушларига мувофиқ қўпайтирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2005-2006 йилларда Халқ банкининг асосли буюртманомалари бўйича 5 йил муддатга Нархларни тартибга солиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 7,2 млрд. сўм, шу жумладан 2005 йилда 4,8 млрд. сўм фоизсиз бюджет ссудаси ажратишни, 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб унинг ҳар чорақда тенг улушларда тўлаб борилишини назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларни тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан 7,6 млн. сўм миқдорда маблағ ажратсин.

8. Халқ банкни компьютер техникаси билан жиҳозлаш ва программалари билан таъминлаш бўйича тадбирлар Дастурини амалга оширишга оид идоралараро комиссия таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Идоралараро комиссия:

тасдиқланган тадбирлар Дастурининг белгиланган муддатларда амалга оширилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин;

ўн кун муддатда компьютер техникаси харид қилиш бўйича тендер ҳужжатларини тайёрласин ва белгиланган тартибда тендер савдоларини ўтказсин, тендер шартларида қолибнинг етказиб бериладиган компьютер техникаси 3 йил мобайнида узлуксиз ишлашини ҳамда сервис хизмати кўрсатилишини таъминлаш мажбуриятини назарда тутсин;

2005 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқланган тадбирлар Дастурининг амалга оширилиши тўғрисида ахборот берсин.

9. Халқ банки ва унинг филиаллари раҳбарлари зиммасига харид қилинаётган компьютер техникасининг сақланиши ва мақсадга мувофиқ фойдаланилиши учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимига хизмат кўрсатиш бўйича моддий-техника базасининг ўз вақтида шакллантирилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

10. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Халқ банкида ташкил этиладиган жамғариб бориладиган пенсия тизими республика ягона электрон маълумотлар базасининг ҳолатини ҳар йили таҳлил этиб, уни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Молия вазирлигига хулосалар ва таклифлар бериб борсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 595-сонли қарорига 3-иловага\*\* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идора-

---

\* 2-илова берилмайди.

\*\* 3-илова рус тилидаги матнда берилган.

лар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 28 июнь,  
ПҚ-110-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **180** Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг белгиланган тартибда турар жой билан таъминланмаган ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг контракт бўйича хизмат қилаётган, амалдаги сарф-харажатлар (коммунал хизматлар ҳақи бундан мустасно) доирасида тураржой билан таъминланмаган оддий аскар, сержант ва офицер таркиблари ҳарбий хизматчиларига тураржойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун:

Тошкент шаҳрида — энг кам иш ҳақининг тўрт бараваригача миқдорда;

Нукус шаҳри ва вилоят марказларида — энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарлари, туман марказлари ва аҳоли пунктларида — энг кам иш ҳақининг икки бараваригача миқдорда ҳар ойлик пул компенсацияси тўловлари белгилансин.

Оила аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда ҳарбий хизматчиларнинг ушбу пул компенсацияси миқдорлари 50 фоизга оширилади.

2. Белгилансинки, Қуrolли Кучларнинг ҳарбий хизматчиларига ҳар ойлик пул компенсацияси тўловларининг ушбу нормалари жорий этилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати бюджетининг ҳар йили тасдиқланадиган параметрлари доирасида амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев):

бир ҳафта муддатда Молия вазирлиги (С. Раҳимов), Мудофаа вазирлиги (Қ. Фуломов), Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг ҳарбий хизмат-

чиларига тураржойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартибини белгиласин;

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини тураржой билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун киритсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби Р. Мирзаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 30 июнь,  
ПҚ-112-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **181** Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

«Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Автомобиль йўллари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Темир йўллар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Етказиб бериш қувурлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Алоқа объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Энергетика объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

Табий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ;

Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси тегишли ваколатли органлар билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган низомларга мувофиқ давлат кадастрларининг шакллантирилиши ва юритилиши тўғрисида 2006 ва 2007 йил июлида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 30 июнь,  
152-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 30 июндаги 152-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Автомобиль йўллари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Автомобиль йўллари давлат кадастри (АЙДК) «Давлат кадастрлари тўғрисида», «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ)ни яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ва мазкур Низомга мувофиқ юритилади.

2. АЙДК — бу автомобиль йўллари объектлари, уларнинг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ва иқтисодий баҳолаш тўғрисидаги янгиланиб туриладиган ишончли ахборот тизими.

3. АЙДК ДКЯТнинг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда автомобиль йўллари объектларини ҳисобга олиш ва уларнинг ҳолатини баҳолаш мақсадида юритилади.

4. Мавжуд бўлган ва қурилаётган автомобиль йўллари, махсус иншоотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган автомобиль йўлларининг бошқа объектлари АЙДК объектлари ҳисобланади.

5. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси АЙДКни юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

6. АЙДК давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни автомобиль йўллари объектлари тўғрисидаги ишончли кадастр ахборотлари билан таъминлаш учун мўлжалланган.

7. Қуйидагилар АЙДКни юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг автомобиль йўллари объектларини тўлиқ қамраб олиш;

макон координаталарининг ягона тизимини ва ягона топография асосларини қўллаш;

барча объектлар бўйича кадастр ахборотларини шакллантиришнинг ягона методологияси;

кадастр ахборотларининг ишончилиги, кўргазмаллиги ва ҳужжатлилиги;

кадастр ахборотларининг очиқлиги.

8. АЙДКни юритиш автомобиль йўллари объектларини хатлаш, ҳисобга олиш, баҳолаш билан таъминланади ҳамда давлат ер кадастри кадастр ахборотларидан ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастрдан мажбурий фойдаланилишини назарда тутди.

9. Автомобиль йўллари объектларига тегишли бўлган ер участкалари, бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

10. Автомобиль йўллари объектларига тегишли бўлган, давлат ер кадастрдан АЙДКга берилаётган ер участкалари тўғрисидаги ер-кадастр ахборотида мақсадли фойдаланилиши бўйича ернинг таркиби тўғрисидаги, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги (шу жумладан ердан фойдаланишда сервитут-

ларда белгиланган мавжуд чеклашлар ва тақиқлар тўғрисидаги маълумотлар), ернинг миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

11. Бино ва иншоотлар давлат кадастридан АЙДКга берилётган автомобиль йўллари объектларига тегишли бўлган бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги кадастр ахборотида улардан мақсадли фойдаланилиши, ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши, асосий миқдор ва сифат тавсифлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

12. АЙДКни юритиш қоғоз ва/ёки электрон манбаларда амалга оширилади.

13. Автомобиль йўллари объектлари тўғрисидаги тизимлаштирилган кадастр ахбороти ДКЯТга белгиланган тартибда берилади.

14. АЙДКни яратиш ва юритиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

## II. АЙДКни юритишни ташкил этиш

15. АЙДКни юритиш «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг қуйидаги таркибий бўлинмалари:

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг ваколатли ташкилоти;  
худудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотларининг кадастр бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

АЙДКни юритиш ишларига умумий раҳбарликни «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси раиси амалга оширади.

АЙДКни юритишни методик таъминлаш «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилади.

16. АЙДКни юритиш мазкур Низомга иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

17. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг ваколатли ташкилоти: автомобиль йўллари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилиши ва мавжуд бўлишини таъминлайди;

маълумотлар базаси тузилмасини ишлаб чиқади, уни йўл корхоналарига беради, маълумотлар базаси тўғри тўлдирилиши устидан назорат қилади;

худудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотларининг кадастр билан ишлайдиган ходимларини автомобиль йўллари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими билан ишлашга ўқитишни ташкил этади;

худудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотлари томонидан тақдим этилган кадастр ахборотларини тизимлаштиради ва уни автомобиль йўллари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритади;

автомобиль йўлларининг янги объектлари тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш маълумотлари тўпланиши устидан назорат қилади;

кадастр ахборотлари ДКЯТга тезкор берилишини амалга оширади;

хар йили белгиланган тартибда ДКЯТга «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг автомобиль йўллари объектларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

18. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг худудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотлари:

автомобиль йўллари объектларининг миқдор ва сифат ҳолатидаги жорий ўзгаришлар, уларнинг атроф муҳитга таъсири, экологик-иктисодий баҳолаш тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ва тизимлаштиради;

автомобиль йўллари объектлари кадастр дафтарларини юритади, маълумотлар

базасини тўлдиради ва уларни тизимлаштириш ва автомобиль йўллари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш учун «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ваколатли ташкилотининг кадастр бўлимига беради; автомобиль йўлларининг янги объектларини ҳисобга қўяди, улар тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш маълумотларини тўплайди.

19. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси тизимидан ташқарида мавжуд бўлган автомобиль йўллари объектларининг эгалари/фойдаланувчилар «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг ваколатли ташкилотига кадастр объектларининг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор тавсифлари ва баҳолаши, шунингдек улар ҳолатининг жорий ўзгаришлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

### III. АЙДКни юритиш тартиби

20. АЙДКни юритиш автомобиль йўллари объектларининг барча турларини рўйхатдан ўтказишдан, уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олишдан, объектларни экологик-иқтисодий баҳолашдан, шунингдек кадастр ахборотларини тўплаш, таҳлил қилиш, тизимлаштириш, сақлаш, янгилашдан ва уни қонунда белгиланган тартибда манфаатдор фойдаланувчиларга тақдим этишдан иборатдир.

21. Автомобиль йўллари объектлари рўйхати уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш, экологик-иқтисодий баҳолаш учун асос ҳисобланади.

22. Автомобиль йўллари объектларининг барча турлари бирламчи рўйхатга олиниши керак. Бунда асосий кўрсаткичлар қайд этилади. Асосий кўрсаткичларнинг таркиби «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишув бўйича «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланадиган тегишли норматив ҳужжатлар билан белгиланади. Рўйхат натижалари бўйича ҳар бир объектга паспорт тузилади.

23. Миқдор ва сифат тавсифларининг асосий ҳисобга олиниши ҳисобга қўйиш пайтида фойдаланишга топширилган ва мавжуд бўлган автомобиль йўлларининг ҳар бир объекти бўйича амалга оширилади.

Автомобиль йўллари объектлари тавсифларида юз берадиган бундан кейинги ўзгаришлар жорий ҳисобга олишда қайд этилади.

24. Автомобиль йўллари объектларининг миқдор ва сифат тавсифлари ҳисобга қўйилиши уларнинг иқтисодий, технологик ва экологик белгилар бўйича таснифлашишни ўз ичига олади, уларнинг таркиби АЙДКни юритиш бўйича норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Автомобиль йўллари объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш учун «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишув бўйича «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан техник параметрлар ва кадастр ахборотини тақдим этиш форматлари ишлаб чиқилади.


Ҳисобга олиш ахбороти корхонанинг кадастр дафтарига ёзилади ва автомобиль йўллари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади.

25. Автомобиль йўллари объектларини иқтисодий баҳолаш автомобиль йўллари ҳар бир объектининг қийматини белгилаш, солиқ солиш, хусусийлаштириш ва бошқа мақсадлар учун ўтказилади.

Автомобиль йўллари объектларини иқтисодий баҳолаш ўзига хосликлар ҳисобга олинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

26. Автомобиль йўллари объектлари тўғрисидаги кадастр ахборотининг ишончлилиги учун таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг АЙДКни юритадиган ваколатли шахслари жавоб берадилар.

### Автомобиль йўллари давлат кадастрини юритиш схемаси



\* Стрелкалар билан кадастр ахбороти ҳаракати йўналишлари белгиланган.

1. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси тизимида ва «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси тизимидан ташқарида мавжуд бўлган автомобиль йўллари объеклари эгалари/фойдаланувчилар кадастр ахборотларини автомобиль йўллари объеклари бўйича худудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотларининг кадастр бўлинмаларига тақдим этадилар.
2. Худудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотларининг кадастр бўлинмалари ушбу объектларнинг эгалари ва фойдаланувчилардан автомобиль йўллари объеклари бўйича кадастр ахборотларини тўплайдилар, ўз худудлари доирасида кадастр ишини шакллантирадилар, автомобиль йўллари объеклари бўйича ахборотни АЙДКни юритиш бўйича ваколатли ташкилотга тақдим этадилар.
3. АЙДКни юритиш бўйича ваколатли ташкилот давлат ер кадастридан ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастридан ер участкалари, бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотни олади.
4. АЙДКни юритиш бўйича ваколатли ташкилот автомобиль йўллари объекти АЙДКга киритилгандан кейин кадастр ахборотларини «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ДҚЯТнинг маълумотлар базасига беради.
5. АЙДКни юритиш бўйича ваколатли ташкилот сўров бўйича ДҚЯТ маълумотлар базасидан автомобиль йўллари объеклари бўйича ахборот олиши мумкин.
6. АЙДКни юритиш бўйича ваколатли ташкилот автомобиль йўллари объеклари бўйича зарур ахборотни худудий шўъба-йўл қурилиш ташкилотларининг кадастр бўлинмаларига юборади.
7. ДҚЯТ маълумотлар базасидан фойдаланувчилар сўров бўйича автомобиль йўллари объеклари бўйича кадастр ахборотларини олишлари мумкин.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 30 июндаги 152-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## Темир йўллар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Темир йўллар давлат кадастри (ТЙДК) «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ)ни яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ва мазкур Низомга мувофиқ юритилади.

2. ТЙДК — бу темир йўллар объектлари, уларнинг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ва иқтисодий баҳолаш тўғрисидаги янгилашиб туриладиган ишончли ахборот тизими.

3. ТЙДК ДКЯТнинг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда темир йўллар объектларини ҳисобга олиш ва уларнинг ҳолатини баҳолаш мақсадида юритилади.

4. Мавжуд бўлган ва қуриладиган темир йўллар, станциялар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жойлашган темир йўлларнинг бошқа объектлари ТЙДК объектлари ҳисобланади.

5. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ТЙДКни юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

6. ТЙДК давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни темир йўл объектлари тўғрисидаги ишончли кадастр ахборотлари билан таъминлаш учун мўлжалланган.

7. Қуйидагилар ТЙДКни юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси бутун ҳудудининг темир йўл объектларини тўлиқ қамраб олиш;

макон координаталарининг ягона тизимини ва ягона топография асосларини қўллаш;

барча объектлар бўйича кадастр ахборотларини шакллантиришнинг ягона методологияси;

кадастр ахборотларининг ишончлилиги, қўрғазмаллиги ва ҳужжатлилиги;

кадастр ахборотларининг очиқлиги.

8. ТЙДКни юритиш темир йўл объектларини хатлаш, ҳисобга олиш, баҳолаш билан таъминланади ҳамда давлат ер кадастри кадастр ахборотларидан ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастридан мажбурий фойдаланилишини назарда тутди.

9. Темир йўл объектларига тегишли бўлган ер участкалари, бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

10. Темир йўл объектларига тегишли бўлган, давлат ер кадастридан ТЙДКга бериладиган ер участкалари тўғрисидаги ер-кадастр ахборотида мақсадли фойдаланилиши бўйича ернинг таркиби тўғрисидаги, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги (шу жумладан ердан фойдаланишда сервитутларда белгиланган мавжуд чеклашлар ва тақиқлар тўғрисидаги маълумотлар), ернинг миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

11. Бино ва иншоотлар давлат кадастридан ТЙДКга берилаётган темир йўл объектларига тегишли бўлган бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги кадастр ахборотларида улардан мақсадли фойдаланилиши, ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши, асосий миқдор ва сифат тавсифлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

12. ТЙДКни юритиш қоғоз ва/ёки электрон манбаларда амалга оширилади.

13. Темир йўл объектлари тўғрисидаги тизимлаштирилган кадастр ахбороти ДКЯТга белгиланган тартибда берилади.

14. ТЙДКни яратиш ва юритиш ишларини молиялаштириш «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

## II. ТЙДКни юритишни ташкил этиш

15. ТЙДКни юритиш «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг қуйидаги таркибий бўлинмалари:

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг Стратегик ривожланиш бошқармасининг темир йўллар давлат кадастри бўлими;

темир йўл корхоналарининг кадастр бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

ТЙДКни юритиш бўйича ишларга умумий раҳбарлик қилишни «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг бош менежери — бош муҳандиси амалга оширади.

ТЙДКни юритишни методик таъминлашни «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси амалга оширади.

16. ТЙДКни юритиш мазкур Низомга иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

17. Темир йўллар давлат кадастри бўлими:

темир йўллар давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилиши ва мавжуд бўлишини таъминлайди;

маълумотлар базаси тузилмасини ишлаб чиқади, уни темир йўл корхоналарига беради, маълумотлар базаси тўғри тўлдирилиши устидан назорат қилади;

корхоналарнинг кадастр билан ишлайдиган ходимларини темир йўллар давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими билан ишлашга ўқитишни ташкил этади;

корхоналар томонидан тақдим этилган кадастр ахборотини тизимлаштиради ва уни темир йўллар давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритади;

темир йўлларнинг янги объектлари тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш маълумотлари тўпланиши устидан назорат қилади;

кадастр ахборотлари ДКЯТга тезкор берилишини амалга оширади;

хар йили белгиланган тартибда ДКЯТга «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг темир йўл объектларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

18. Темир йўл корхоналарининг кадастр бўлинмалари:

темир йўл объектларининг миқдор ва сифат ҳолатидаги жорий ўзгаришлар, уларнинг атроф муҳитга таъсири, экологик-иқтисодий баҳолаш тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ва тизимлаштиради;

темир йўл объектлари кадастр дафтарларини юритади, маълумотлар базасини тўлдиради ва уларни тизимлаштириш ва темир йўллар давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш учун ТЙДК бўлимига беради;

темир йўлларнинг янги объектларини ҳисобга қўяди, улар тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш маълумотларини тўплайди.

19. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси тизимидан ташқарида мавжуд бўлган темир йўл объектларининг эгалари/фойдаланувчилар «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг кадастр хизматида кадастр объектларининг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор тавсифлари ва баҳоланиши, шунингдек улар ҳолатининг жорий ўзгаришлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

### III. ТЙДКни юритиш тартиби

20. ТЙДКни юритиш темир йўл объектларининг барча турларини рўйхатдан ўтказишдан, уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олишдан, объектларни экологик-иқтисодий баҳолашдан, шунингдек кадастр ахборотларини тўплаш, таҳлил қилиш, тизимлаштириш, сақлаш, янгилашдан ва уни қонунда белгиланган тартибда манфаатдор фойдаланувчиларга тақдим этишдан иборатдир.

21. Темир йўл объектлари рўйхати уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш, экологик-иқтисодий баҳолаш учун асос ҳисобланади.

22. Темир йўл объектларининг барча турлари бирламчи рўйхатга олиниши керак. Бунда асосий кўрсаткичлар қайд этилади. Асосий кўрсаткичларнинг таркиби «Ер-геодезикадастр» давлат қўмитаси билан келишув бўйича «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланадиган тегишли норматив ҳужжатлар билан белгиланади. Рўйхат натижалари бўйича ҳар бир объектга паспорт тузилади.

23. Миқдор ва сифат тавсифларининг асосий ҳисобга олиниши ҳисобга қўйиш пайтида фойдаланишга топширилган ва мавжуд бўлган темир йўлларнинг ҳар бир объекти бўйича амалга оширилади.

Темир йўл объектлари тавсифларида юз берадиган бундан кейинги ўзгаришлар жорий ҳисобга олишда қайд этилади.

24. Темир йўл объектларининг миқдор ва сифат тавсифлари ҳисобга қўйилиши уларнинг иқтисодий, технологик ва экологик белгилар бўйича таснифланишини ўз ичига олади, уларнинг таркиби темир йўллар давлат кадастрини юритиш бўйича норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Темир йўл объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш учун «Ер-геодезикадастр» давлат қўмитаси билан келишув бўйича «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси томонидан техник параметрлар ва кадастр ахборотларини тақдим этиш форматлари ишлаб чиқилади.


Ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган ҳисобга олиш ахбороти корхонанинг кадастр дафтарида ёзилади ва темир йўллар давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади.

25. Темир йўл объектларини иқтисодий баҳолаш ҳар бир объектнинг қийматини белгилаш, солиқ солиш, хусусийлаштириш ва бошқа мақсадлар учун ўтказилади.

Темир йўл объектларини иқтисодий баҳолаш ўзига хосликлар ҳисобга олинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

26. Темир йўл объектлари тўғрисидаги кадастр ахборотининг ишончлилиги учун «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг ТЙДКни юритувчи таркибий бўлинмалари раҳбарлари жавоб берадилар.

### Темир йўллар давлат кадастрини юритиш схемаси



\* Стрелкалар билан кадастр ахбороти ҳаракати йўналишлари белгиланган.

1. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси тизимида ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси тизимдан ташқарида мавжуд бўлган темир йўл объектлари эгалари/фойдаланувчилари темир йўл объектлари бўйича кадастр ахборотларини темир йўл корхоналарининг кадастр бўлиналарига тақдим этадилар.

2. Темир йўл корхоналарининг кадастр бўлиналари ушбу объектларнинг эгалари ва фойдаланувчилардан темир йўл объектлари бўйича кадастр ахборотларини тўплайдилар, ўз худудлари доирасида кадастр ишини шакллантирадилар, темир йўл объектлари бўйича ахборотни Стратегик ривожланиш бошқармасининг темир йўллар давлат кадастри бўлимига тақдим этадилар.

3. Стратегик ривожланиш бошқармасининг темир йўллар давлат кадастри бўлими давлат ер кадастрдан ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастрдан ер участкалари, бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотни олади.

4. Стратегик ривожланиш бошқармасининг темир йўллар давлат кадастри бўлими темир йўл объекти ТЙДКга киритилгандан кейин кадастр ахборотларини «Ергеозкадастр» давлат қўмитаси ДҚЯТнинг маълумотлар базасига беради.

5. Стратегик ривожланиш бошқармасининг темир йўллар давлат кадастри бўлими сўров бўйича «Ергеозкадастр» давлат қўмитасининг ДҚЯТ маълумотлар базасидан темир йўл объектлари бўйича ахборот олиши мумкин.

6. Стратегик ривожланиш бошқармасининг темир йўллар давлат кадастри бўлими темир йўл объектлари бўйича зарур ахборотни темир йўл корхоналари кадастр бўлиналарига юборади.

7. ДҚЯТдан фойдаланувчилар сўров бўйича темир йўл объектлари бўйича кадастр ахборотларини олишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 30 июндаги 152-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## **Етказиб бериш қувурлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Етказиб бериш қувурлари давлат кадастри (ЕБҚДК) «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ)ни яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ва мазкур Низомга мувофиқ юритилади.

2. ЕБҚДК — бу етказиб бериш қувурлари объектлари, уларнинг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ва иқтисодий баҳолаш тўғрисидаги янгиланиб туриладиган ишончли ахборот тизими.

3. ЕБҚДК ДКЯТнинг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда етказиб бериш қувурлари объектларини ҳисобга олиш ва уларнинг ҳолатини баҳолаш мақсадида юритилади.

4. Нефть, газ ва газ конденсатини етказиб беришга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мавжуд ва қурилаётган етказиб бериш қувурлари ва уларга хизмат кўрсатиш объектлари: белгиланган арматурали ва ер усти иншоотлари билан биргаликда етказиб бериш қувурларининг линияли қисми, компрессор ва насос станциялари, электрокимёвий ҳимоя воситалари, газ тақсимлаш станциялари ва нефть, газ ва газ конденсати транспорти корхоналари балансида бўлган, катта узунликдаги, юқори босимли, уларнинг юқори хавфлилиги муносабати билан қўриқлаш зонасига эга бўлган бошқа кўчмас мулк ЕБҚДК объектлари ҳисобланади.

5. «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси ЕБҚДКни юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

6. ЕБҚДК давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини, «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компаниясини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни етказиб бериш қувурлари объектлари тўғрисидаги ишончли кадастр ахборотлари билан таъминлаш учун мўлжалланган.

7. Қуйидагилар ЕБҚДКни юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида локал ва магистрал қувурларнинг бутун тизимини ва уларга хизмат кўрсатиш объектларини қамраб олиш;

макон координаталарининг ягона тизимини ва ягона топография асосларини қўллаш;

барча объектлар бўйича кадастр ахборотларини шакллантиришнинг ягона методологияси;

кадастр ахборотларининг ишончилиги, кўргазмалилиги ва ҳужжатлилиги;

кадастр ахборотларининг очиқлиги.

8. ЕБҚДКни юритиш етказиб бериш қувурлари объектларини хатлаш, ҳисобга олиш, баҳолаш билан таъминланади ҳамда давлат ер кадастри кадастр ахборотларидан ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастридан мажбурий фойдаланилишини назарда тутди.

9. Етказиб бериш қувурлари объектларига тегишли бўлган ер участкалари, бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

10. Етказиб бериш қувурлари объектларига тегишли бўлган, давлат ер кадастридан ЕБҚДКга берилаётган ер участкалари тўғрисидаги ер-кадастр ахборотида мақсадли фойдаланилиши бўйича ернинг таркиби тўғрисидаги, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги (шу жумладан ердан фойдаланишда сервитутларда белгиланган мавжуд чеклашлар ва тақиқлар тўғрисидаги маълумотлар), ернинг миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

11. Бино ва иншоотлар давлат кадастридан ЕБҚДКга берилаётган етказиб бериш қувурлари объектларига тегишли бўлган бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги кадастр ахборотида улардан мақсадли фойдаланилиши, ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши, асосий миқдор ва сифат тавсифлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

12. ЕБҚДКни юритиш қоғоз ва/ёки электрон манбаларда амалга оширилади.

13. Етказиб бериш қувурлари объектлари тўғрисидаги тизимлаштирилган кадастр ахбороти ДҚЯТга белгиланган тартибда берилади.

14. ЕБҚДКни яратиш ва юритиш ишларини молиялаштириш «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компаниясининг тегишли корхоналари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

## II. ЕБҚДКни юритишни ташкил этиш

15. ЕБҚДКни юритиш «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компаниясининг қуйидаги таркибий бўлинмалари:

«ЎзЛИТИнефтгаз» очиқ акциядорлик жамияти ҳузуридаги ЕБҚДК хизмати; нефть-газ-транспорт корхоналарининг кадастр бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

ЕБҚДКни юритиш ишларига умумий раҳбарликни «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси бошқарувининг раиси амалга оширади.

16. ЕБҚДКни юритиш мазкур Низомга иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

17. Ҳисобга олиш ва баҳолаш кадастр ахборотларини шакллантириш етказиб бериш қувурлари бўйича маълумотлар банки ташкил этилган ҳолда «ЎзЛИТИнефтгаз» очиқ акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилади.

18. «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компаниясининг етказиб бериш қувурлари объектларини қурувчи, фойдаланувчи, реконструкция қилувчи ва таъмирловчи бўлинмалари бир ой мобайнида маълумотлар базасига етказиб бериш қувурлари объектларининг миқдор ва сифат ўзгаришлари, ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотни киритишлари шарт.

19. ЕБҚДК хизмати:

етказиб бериш қувурлари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилиши ва мавжуд бўлишини таъминлайди;

маълумотлар базаси тузилмасини ишлаб чиқади, уни нефть-газ-транспорт корхоналарига беради, маълумотлар базаси тўғри тўлдирилиши устидан назорат қилади;

ходимларни етказиб бериш қувурлари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими билан ишлашга ўқитишни ташкил этади;

корхоналар томонидан тақдим этилган кадастр ахборотларини тизимлаштиради ва уларни етказиб бериш қувурлари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритади;

етказиб бериш қувурларининг янги объектлари тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш маълумотлари тўпланиши устидан назорат қилади;

шакллантирилаётган кадастр маълумотлари сифати устидан назорат олиб боради, унинг ишончлилиги ва ўз вақтида ЕБҚДК автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилиши учун жавобгар бўлади.

кадастр ахборотларининг хилма хиллиги ва сифатига талабни мунтазам ўрганади, кадастрни юритиш технологияси такомиллаштирилишини таъминлайди;

кадастр ахборотлари ДҚЯТга тезкор берилишини амалга оширади;

ЕБҚДК юритишни методик таъминлаш «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси томонидан амалга оширилади.

20. Нефть-газ-транспорт корхоналарининг кадастр бўлинмалари:

етказиб бериш қувурлари объектларининг миқдор ва сифат ҳолатидаги жорий ўзгаришлар, уларнинг атроф муҳитга таъсири, экологик-иқтисодий баҳолаш тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ва тизимлаштиради;

етказиб бериш қувурлари объектлари кадастр дафтарларини юритади, маълумотлар базасини тўлдирди ва уларни тизимлаштириш ва етказиб бериш қувурлари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш учун кадастр хизматига беради;

етказиб бериш қувурларининг янги объектларини ҳисобга қўяди, улар тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш маълумотларини тўплайди.

21. «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси:

умуман тармоқ бўйича ЕБҚДКни юритиш бўйича «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компаниясининг таркибий бўлинмалари ишини мувофиқлаштиради;

хар йили белгиланган тартибда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига уларни ДҚЯТга киритиш учун етказиб бериш қувурлари объектларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

22. «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси тизимидан ташқарида мавжуд бўлган етказиб бериш қувурлари объектларининг эгалари/фойдаланувчилар «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компаниясининг кадастр хизматига кадастр объектларининг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор тавсифлари ва баҳоланиши, шунингдек улар ҳолатининг жорий ўзгаришлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

### **III. Етказиб бериш қувурлари давлат кадастрини юритиш тартиби**

23. ЕБҚДКни юритиш магистрал ва локал қувурларнинг барча турларини ва уларнинг хизмат кўрсатиш объектларини рўйхатга олишдан, уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олишдан, объектларни экологик-иқтисодий баҳолашдан, шунингдек кадастр ахборотларини тўплаш, таҳлил қилиш, тизимлаштириш, сақлаш, янгилашдан ва уни конунда белгиланган тартибда манфаатдор фойдаланувчиларга тақдим этишдан иборатдир.

24. Етказиб бериш қувурлари объектлари рўйхати уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш, экологик-иқтисодий баҳолаш учун асос ҳисобланади.

25. Етказиб бериш қувурлари объектларининг барча турлари бирламчи рўйхатга олиниши керак. Бунда асосий кўрсаткичлар қайд этилади. Асосий кўрсаткичларнинг таркиби «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишув бўйича «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси томонидан тасдиқланадиган тегишли норма-

тив ҳужжатлар билан белгиланади. Рўйхат натижалари бўйича ҳар бир объектга паспорт тузилади.

26. Миқдор ва сифат тавсифларининг асосий ҳисобга олинishi ҳисобга қўйиш пайтида фойдаланишга топширилган ва мавжуд бўлган (саноат юкмаси остида) етказиб бериш қувурларининг ҳар бир объекти бўйича амалга оширилади.

Етказиб бериш қувурлари объектлари тавсифларида юз берадиган бундан кейинги ўзгаришлар жорий ҳисобга олишда қайд этилади.

27. Етказиб бериш қувурлари объектларининг миқдор ва сифат тавсифлари ҳисобга қўйилиши уларнинг иқтисодий, технологик ва экологик белгилар бўйича таснифланишини ўз ичига олади, уларнинг таркиби етказиб бериш қувурлари давлат кадастрини юритиш бўйича норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Етказиб бериш қувурлари объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш учун «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишув бўйича «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси томонидан техник параметрлар ва кадастр ахборотини тақдим этиш форматлари ишлаб чиқилади.

Ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган ҳисобга олиш ахбороти корхонанинг кадастр дафтарига ёзилади ва ЕБҚДК автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади.


28. Етказиб бериш қувурлари объектларини иқтисодий баҳолаш ҳар бир объектнинг қийматини белгилаш, солиқ солиш, хусусийлаштириш ва бошқа мақсадлар учун ўтказилади.

Етказиб бериш қувурлари объектларини иқтисодий баҳолаш ўзига хосликлар ҳисобга олинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

29. Етказиб бериш қувурлари объектлари тўғрисидаги кадастр ахборотларининг ишончлилиги учун нефть-газ-транспорт корхоналарининг мансабдор шахслари ва «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компаниясининг «ЎзЛИТИнефтгаз» очиқ акциядорлик жамияти ҳузуридаги ЕБҚДКни юритиш юкланган ЕБҚДК хизмати жавоб беради.



### Етказиб бериш қувурлари давлат кадастрини юритиш схемаси



\* Стрелкалар билан кадастр ахбороти ҳаракати йўналишлари белгиланган.

1. «Ўзбекинефтгаз» миллий-холдинг компанияси тизимида ва «Ўзбекинефтгаз» миллий-холдинг компанияси тизимидан ташқарида мавжуд бўлган етказиб бериш қувурлари объектлари эгалари/фойдаланувчилар кадастр ахборотларини нефть-газ-транспорт корхоналарининг кадастр бўлинмаларига тақдим этадилар .

2. Нефть-газ-транспорт корхоналарининг кадастр бўлинмалари ушбу объектларнинг эгалари ва фойдаланувчилардан етказиб бериш қувурлари объектлари бўйича кадастр ахборотларини тўплайдилар, ўз ҳудудлари доирасида кадастр ишини шакллантирадилар, уларни «Ўзбекинефтгаз» миллий-холдинг компаниясининг «Ўз.ЛИТИнефтгаз» очиқ акциядорлик жамияти ҳузуридаги ЕБҚДК хизматида тақдим этадилар.

3. «Ўзбекинефтгаз» миллий-холдинг компаниясининг «Ўз.ЛИТИнефтгаз» очиқ акциядорлик жамияти ҳузуридаги ЕБҚДК хизмати давлат ер кадастрдан ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастрдан ер участкалари, бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотни олади.

4. «Ўзбекинефтгаз» миллий-холдинг компаниясининг «Ўз.ЛИТИнефтгаз» очиқ акциядорлик жамияти ҳузуридаги ЕБҚДК хизмати етказиб бериш қувурлари объекти ЕБҚДКга киритилгандан кейин кадастр ахборотларини «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ДҚЯТнинг маълумотлар базасига беради.

5. «Ўзбекинефтгаз» миллий-холдинг компаниясининг «Ўз.ЛИТИнефтгаз» очиқ акциядорлик жамияти ҳузуридаги ЕБҚДК хизмати транспорт корхоналари объектлари бўйича ахборотни сўров бўйича «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ДҚЯТнинг маълумотлар базасидан олиши мумкин.

6. «Ўзбекинефтгаз» миллий-холдинг компаниясининг «Ўз.ЛИТИнефтгаз» очиқ акциядорлик жамияти ҳузуридаги ЕБҚДК хизмати транспорт корхоналари объектлари бўйича зарур ахборотни нефть-газ-транспорт корхоналарининг кадастр бўлинмаларига юборади.

7. ДҚЯТдан фойдаланувчилар сўров бўйича етказиб бериш қувурлари объектлари бўйича кадастр ахборотларини «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ДҚЯТ маълумотлар базасидан олишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 30 июндаги 152-сон қарорига  
4-ИЛОВА

## **Алоқа объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Алоқа объектлари давлат кадастри (АОДК) «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ)ни яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда ушбу Низомга мувофиқ юритилади.

2. ДКЯТ — бу алоқа объектлари, уларнинг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ҳамда иқтисодий баҳоси тўғрисидаги янгилаб бориладиган ишончли маълумотлар тизимидир.

3. ДКЯТ АОДКнинг таркибий қисми ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудидаги алоқа объектларини ҳисобга олиш ва баҳолаш мақсадида юритилади.

4. Қуйидагилар АОДК объектлари ҳисобланади:

халқаро, шаҳарлараро, вилоят ва туман аҳамиятига эга бўлган телефон-телеграф станциялари, шу жумладан турғун алоқа асбоб-ускуналари ва магистрал линиялари;

алоқанинг тармоқ узеллари;

шаҳар алоқа телефон узеллари, шу жумладан станциялари ва линия иншоотлари;

туман телекоммуникация узеллари, шу жумладан станция асбоб-ускуналари, ҳудудий ва қишлоқ линия иншоотлари;

алоқа радиореле линиялари станция ва иншоотлари;

йўлдошли алоқа станциялари;

қабул қилиш — узатиш радиостанциялари;

кўчма объектларга эга бўлган қуруқликдаги радиоалоқа станциялари (шахсан радиочақирув, радиал тизимлар, уяли телефонлар);

радиотелевизион станциялар ва рентрансляторлар;

симли эшиттириш станциялари ва тармоқлари;

почта ва махсус алоқа объектлари.

5. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги АОДКни юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

6. АОДК давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни алоқа объектлари тўғрисидаги ишончли кадастр маълумотлари билан таъминлаш учун мўлжалланган.

7. Қуйидагилар АОДКни юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча алоқа объектларини қамраб олиш; макон координатлари ягона тизимини ва ягона топографик асосни қўлланиш;

барча объектлар бўйича кадастр ахборотларини шакллантириш методологиясининг ягоналиги;

кадастр ахборотларининг ишончлилиги, қўрғазмалилиги ва ҳужжатлилиги;  
кадастр ахборотларининг очиқлиги.

8. ДКЯТни юритиш алоқа объектларини хатловдан ўтказиш, ҳисобга олишни таъминлайди ҳамда давлат ер кадастри маълумотларидан ва бино ва иншоотлар давлат кадастри маълумотларидан мажбурий фойдаланишни назарда тутди.

9. Алоқа объектларига тегишли ер участкалари, бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ваколатли органлар томонидан, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

10. Давлат ер кадастридан АОДКга бериладиган алоқа объектларига тегишли ер участкалари тўғрисидаги ер кадастри ахборотлари мақсадли фойдаланиладиган ерлар тузилмаси, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши (шу жумладан ерлардан фойдаланишда сервитутларда белгиланган мавжуд чеклашлар ва тақиқлар тўғрисидаги маълумотлар), ерларнинг миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши керак.

11. Бино ва иншоотлар давлат кадастридан АОДКга бериладиган алоқа объектларига тегишли бўлган бино ва иншоотлар тўғрисидаги кадастр ахборотлари уларнинг мақсадли фойдаланилиши, ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши, асосий миқдор ва сифат тавсифлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши керак.

12. АОДКни юритиш қоғоз ва/ёки электрон манбаларда амалга оширилади.

13. Алоқа объектлари тўғрисидаги тизимлаштирилган кадастр ахборотлари ДКЯТга белгиланган тартибда, геоахборот тизимининг тугалланган лойиҳаси тарзида берилди.

Маълумотлар электрон-рақамли базаларининг техник параметрлари (классификаторлар, шартли белгилар ва бошқалар) «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишилиши керак.

14. АОДКни яратиш ва юритиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги аппарати таъминоти учун сметада назарда тутилган маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

## II. АОДКни юритишни ташкил этиш

15. АОДКни юритиш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг қўйидаги таркибий бўлинмалари ҳамда ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади:

функцияси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Илмий-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказига юкланадиган АОДК хизмати;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимида фаолият кўрсатадиган мулкдорлар ёки алоқа объектларига бошқа ҳуқуқлар эгаларининг кадастр хизматлари.

АОДКни юритиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг АОДК хизмати томонидан амалга оширилади.

АОДКни юритишни методик таъминлаш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

16. АОДКни юритиш ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

17. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг АОДК хизмати: кадастр хизматлари (ваколатли шахслар) ишларини мувофиқлаштиради;

тушаётган ахборотлар сифатини назорат қилади, уларнинг ишончлилиги ва Алоқа объектларининг геоахборот тизимига киритилиши учун жавоб беради;

кадастр ахборотларининг турличалиги ва сифатига талабни мунтазам равишда ўрганади, кадастр юритиш технологиясининг такомиллаштирилишини таъминлайди.

Алоқа объектларининг геоахборот тизимини жорий этади ва унинг фаолият кўрсатишини таъминлайди;

кадастр хизматларининг алоқа объектларининг мавжудлиги, миқдори ва сифати, баҳоси ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларини ўрганади, таҳлил қилади ва умумлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда алоқа объектларининг жойлашиш харитаси тузилишини таъминлайди;

манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан кадастр ахборотларидан фойдаланиш тартиби ва шартларини белгилайди;

ДКЯТга зарур кадастр ахборотларининг тезкорлик билан тақдим этилишини амалга оширади;

хар йили, белгиланган тартибда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига ДКЯТ маълумотлар базасига киритиш учун алоқа объектларининг ҳолати ва улардан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади.

18. Мулкдорлар ва алоқа кадастр объектларига бошқа ҳуқуқлар эгаларининг кадастр хизматлари:

тасарруфидаги бўлинмалар ваколатли шахсларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

тасарруфидаги бўлинмалар ваколатли шахсларининг ҳисоботларини тизимлаштиради ва умумлаштиради;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида кадастр ахборотларини шакллантиради;

хар йили 1 мартгача Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги АОДК хизматида тақдим этиш учун тасарруфидаги алоқа объектларининг ҳолати, баҳоси, улардан фойдаланилиши тўғрисидаги йиғма ҳисоботларни тузади.

19. Тасарруфдаги бўлинмаларнинг ваколатли шахслари бошланғич даражада: янги алоқа объектларини ҳисобга қўяди, улар тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш ахборотларини йиғидади;

алоқа объектларининг кадастр дафтарларини юритади;

алоқа объектларининг кадастр режалари (хариталари, схемалари)ни тузади ва уларга тузатишлар киритади;

алоқа объектларининг миқдори ва сифатидаги жорий ўзгаришлар, уларнинг қиймат баҳоси, атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ҳамда уларни кадастр дафтарлари, режалари (хариталари, схемалари)га киритади;

хар йили 15 февралгача мулкдорлар ва алоқа кадастр объектларига бошқа ҳуқуқлар эгаларининг кадастр хизматларига алоқа объектларининг ҳолати ва баҳоси тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади.

20. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидан ташқарида фаолият кўрсатувчи алоқа объектлари мулкдорлари/фойдаланувчилари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги АОДК хизматида кадастр объектларининг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдорий тавсифлари ва баҳоси, шунингдек уларнинг ҳолатидаги жорий ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларни тақдим этишлари шарт.

### III. АОДКни юритиш тартиби

21. АОДКни юритиш алоқа объектларининг барча турлари рўйхатини, уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олишни, иқтисодий баҳолашни, шунингдек кадастр ахборотларини тўплаш, таҳлил қилиш, ишлаш, тизимлаштириш, сақлаш, янгилашни ҳамда уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор фойдаланувчиларга беришни ўз ичига олади.

22. АОДКни юритишда шаҳарлараро алоқанинг линия иншоотлари учун ерлар фақат қурилиш даврида ажратилади. Алоқанинг линия иншоотларидан фойдаланиш жараёнида ерлардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сон қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

23. Алоқа объектлари рўйхати уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш ҳамда экологик-иқтисодий баҳолаш учун асос ҳисобланади.

24. Алоқа объектларининг барча турлари бошланғич рўйхатга киритилади. Бунда асосий кўрсаткичлар қайд этилади, ушбу кўрсаткичларнинг таркиби «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан тасдиқланадиган тегишли норматив ҳужжатлар билан белгиланади. Рўйхатга киритиш натижалари бўйича ҳар қайси объект учун паспорт тузилади.

25. Миқдор ва сифат тавсифларини асосий ҳисобга олиш ҳисобга қўйиш вақтида фойдаланишга топширилган ва фаолият кўрсатаётган (саноат мақсадида ишлатилаётган) ҳар қайси алоқа объекти бўйича амалга оширилади.

Алоқа объектлари тавсифларидаги кейинги ўзгаришлар жорий ҳисобга олишда қайд этилади.

26. Алоқа объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш уларнинг иқтисодий, технологик ва экологик белгилари бўйича классификация қилишни ўз ичига олади, ушбу белгилар таркиби алоқа объектлари давлат кадастрини юритиш бўйича норматив ҳужжатларда белгиланади.

Алоқа объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишган ҳолда кадастр ахборотларини тақдим этишнинг техник параметрлари ва ҳажмлари ишлаб чиқилади.

Ҳужжатли расмийлаштирилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган ҳисобга олиш ахборотлари корхонанинг кадастр дафтарига ёзилади ва Алоқа объектларининг геоахборот тизимига киритилади.

27. Алоқа объектларини иқтисодий баҳолаш солиқ солиш, хусусийлаштириш ва бошқа мақсадлар учун ҳар қайси объект қийматини баҳолаш учун амалга оширилади.

Алоқа объектларини иқтисодий баҳолаш уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.


Ҳар қайси алоқа объекти бўйича баҳолаш кадастр кўрсаткичлари тизими қуйидаги натурал (алоқа объектининг ҳар қайси тури учун хос бўлган) ва қиймат кўрсаткичлари йиғиндисини ўз ичига олади:

- қувват;
- смета қиймати;
- баланс қиймати;
- ишловчиларнинг сон таркиби;

экологик кўрсаткичлар;  
мазкур алоқа турининг хизматлар билан таъминланганлиги;  
шовкин, радиация ва электромагнит таъсири;  
атмосфера ҳавоси, ер, сувнинг ифлосланиши;  
объектнинг техник ҳолати;  
асосий асбоб-ускуналар ва уларнинг техник ҳамда маънавий эскирганлиги.

28. АОДҚни юритиш зиммасига юкланган ваколатли мансабдор шахслар кадастр ахборотларининг ишончилиги ва уларнинг ДҚЯТга ўз вақтида тақдим этилиши учун жавоб беришади.

### Алоқа объектлари давлат кадастрини юритиш схемаси



\*Стрелкалар билан кадастр ахборотлари ҳаракати йўналиши белгиланган.

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимида ҳамда унинг тизимидан ташқарида фаолият кўрсатадиган алоқа корхоналари объектлари мулкдорлари/фойдаланувчилари алоқа корхоналари объектлари бўйича кадастр ахборотларини кадастр хизматларига тақдим этадилар.

2. Кадастр хизматлари ушбу объектлар мулкдорлари ва фойдаланувчиларидан алоқа корхоналари объектлари бўйича кадастр ахборотларини тўплайди, ўз ҳудудлари доирасида кадастр ишини шакллантиради, алоқа корхоналари объектлари бўйича ахборотларни ИТМТМ АОДК хизматига беради.

3. ИТМТМ АОДК хизмати давлат ер кадастридан ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастридан ер участкалари, бино ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотларни олади.

4. ИТМТМ АОДК хизмати алоқа корхоналари объекти АОДКга киритилгандан кейин кадастр ахборотларини «Ергеодезкастр» давлат қўмитасининг ДКЯТ маълумотлар базасига беради.

5. ИТМТМ АОДК хизмати сўров бўйича «Ергеодезкастр» давлат қўмитасининг ДКЯТ маълумотлар базасидан алоқа корхоналари объектлари бўйича ахборотларни олиши мумкин.

6. ИТМТМ АОДК хизмати алоқа корхоналари объектлари бўйича зарур ахборотларни кадастр хизматларига юборади.

7. ДКЯТдан фойдаланувчилар сўров бўйича «Ергеодезкастр» давлат қўмитасининг ДКЯТ маълумотлар базасидан алоқа корхоналари объектлари бўйича кадастр ахборотларини олиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 30 июндаги 152-сон қарорига  
5-ИЛОВА

## **Энергетика объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Энергетика объектлари давлат кадастри (ЭОДК) «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ)ни яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда ушбу Низомга мувофиқ юритилади.

2. ЭОДК — бу энергетика объектлари, уларнинг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ҳамда иқтисодий баҳоси тўғрисидаги янгиланган бориладиган ишончли маълумотлар тизимидир.

3. ЭОДК ДКЯТнинг таркибий қисми ҳисобланади ва энергетика объектларини ҳисобга олиш ва баҳолаш мақсадида юритилади.

4. Фаолият кўрсатаётган ва қурилаётган гидравлик ҳамда иссиқлик электр станциялари, ўз ичига ёрдамчи станцияларни оладиган электр тармоқлари, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси таркибида жамланган ҳаво ва кабель линиялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, технологик жараённинг яхлитлиги воситасида энергия тизими билан боғланган бошқа энергия объектлари ЭОДК объектлари ҳисобланади.

5. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ЭОДКни юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

6. ЭОДК давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни энергетика объектлари тўғрисидаги ишончли кадастр маълумотлари билан таъминлаш учун мўлжалланган.

7. Қуйидагилар ЭОДКни юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:  
Ўзбекистон Республикаси энергетика объектларини тўлиқ қамраб олиш;  
макон координаталарининг ягона тизимини ва ягона топографик асосни қўлла-ниш;

барча объектлар бўйича кадастр ахборотларини шакллантириш методологиясининг ягоналиги;

кадастр ахборотларининг ишончилиги, кўргазмалилиги ва ҳужжатлилиги;

кадастр ахборотларининг очиқлиги.

8. ЭОДКни юритиш энергетика объектларини хатловдан ўтказиш, ҳисобга олиш, баҳолаш билан таъминланади ҳамда давлат ер кадастри кадастр маълумотларидан ва бинолар ва иншоотлар давлат кадастри маълумотларидан мажбурий фойдаланишни назарда тутди.

9. Энергетика объектларига тегишли ер участкалари, бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ваколатли органлар томонидан, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.



10. Давлат ер кадастридан ЭОДКга бериладиган, энергетика объектларига тегишли ер участкалари тўғрисидаги ер кадастри ахборотлари мақсадли фойдаланиладиган ерлар тузилмаси, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши (шу жумладан ерлардан фойдаланишда сервитутларда белгиланган мавжуд чеклашлар ва тақиқлар тўғрисидаги маълумотлар), ерларнинг миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши керак.

11. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастридан ЭОДКга бериладиган, энергетика объектларига тегишли бўлган бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги кадастр ахборотлари уларнинг мақсадли фойдаланилиши, ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши, асосий миқдор ва сифат тавсифлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши керак.

12. ЭОДКни юритиш қоғоз ва/ёки электрон манбаларда амалга оширилади.

13. Энергетика объектлари тўғрисидаги тизимлаштирилган кадастр ахборотлари ДКЯТга белгиланган тартибда берилди.

14. ЭОДКни яратиш ва юритиш ишларини молиялаштириш «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

## II. ЭОДКни юритишни ташкил этиш

15. ЭОДКни юритиш «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг қуйидаги таркибий бўлинмалари:

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг «Ўзэнергосозлаш» унитар корхонаси кадастр хизмати;

энергетика объектлари кадастр хизматлари (ЭОКХ) – ЭОДКни яратиш бўйича бўлинмалар томонидан амалга оширилади.

ЭОДКни юритиш бўйича ишларга умумий раҳбарликни «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси раиси амалга оширади.

ЭОДКни юритишни методик таъминлаш «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилади.

16. ЭОДКни юритиш ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

17. «Ўзэнергосозлаш» унитар корхонаси:

энергетика объектлари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими ЭОДК ААТ жорий этилишини ва фаолият кўрсатишини таъминлайди;

маълумотлар базаси тузилмасини ишлаб чиқади, уни энергетика корхоналарига беришни амалга оширади, маълумотлар базаси тўлдирилишининг тўғрилигини назорат қилади;

ЭОКХ кадастр ходимларини ЭОДК ААТ билан ишлашга ўқитишни ташкил қилади;

ЭОКХга тақдим этилган кадастр ахборотларини тизимлаштиришни ва уларни ЭОДК ААТга киритишни амалга оширади;

янги энергетика объектлари тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш ахборотлари тўпланишини назорат қилади;

кадастр ахборотларининг ДКЯТга тезкорлик билан берилишини амалга оширади;

хар йили, белгиланган тартибда «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси энергетика объектларининг ҳолати ва улардан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботни ДКЯТга тақдим этади.

18. ЭОКХ:

энергетика объектларининг миқдор ва сифат бўйича ҳолатидаги жорий ўзгаришларни, уларнинг атроф муҳитга таъсирини, экологик-иқтисодий баҳосини тўплайди ва тизимлаштиради;

энергетика объектларининг кадастр дафтарларини юритади, маълумотлар базасини тўлдиради ва уларни тизимлаштириш ҳамда ЭОДК ААТга киритиш учун «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ваколатли ташкилотининг кадастр бўлимига беради;

янги энергетика объектларини ҳисобга қўяди, улар тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш ахборотларини тўплайди.

19. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси тизимидан ташқарида фаолият кўрсатувчи энергетика объектлари мулкдорлари/фойдаланувчилари «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси кадастр хизматида кадастр объектларининг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдорий тавсифлари ва баҳоси, шунингдек уларнинг ҳолатидаги жорий ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларни тақдим этишлари шарт.

### III. ЭОДКни юритиш тартиби

20. ЭОДКни юритиш энергетика объектларининг барча турлари рўйхатини, уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олишни, объектларни экологик-иқтисодий баҳолашни, шунингдек кадастр ахборотларини тўплаш, таҳлил қилиш, ишлаш, тизимлаштириш, сақлаш, янгилашни ҳамда уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор фойдаланувчиларга беришни ўз ичига олади.

21. Энергетика объектлари рўйхати уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш ҳамда уларни экологик-иқтисодий баҳолаш учун асос ҳисобланади.

22. Энергетика объектларининг барча турлари бошланғич рўйхатга киритилади. Бунда асосий кўрсаткичлар қайд этилади, ушбу кўрсаткичларнинг таркиби «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишган ҳолда «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланадиган тегишли норматив ҳужжатлар билан белгиланади. Рўйхатга киритиш натижалари бўйича ҳар қайси объект учун паспорт тузилади.

23. Миқдор ва сифат тавсифларини асосий ҳисобга олиш ҳисобга қўйиш вақтида фойдаланишга топширилган ва фаолият кўрсатаётган ҳар қайси энергетика объекти бўйича амалга оширилади.

Энергетика объектлари тавсифларидаги кейинги ўзгаришлар жорий ҳисобга олишда қайд этилади.

24. Энергетика объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш уларни иқтисодий, технологик ва экологик белгилари бўйича классификация қилишни ўз ичига олади, уларнинг таркиби энергетика объектлари давлат кадастрини юритиш бўйича норматив ҳужжатларда белгиланади.

Энергетика объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш учун «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси томонидан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишган ҳолда кадастр ахборотларини тақдим этишнинг техник параметрлари ва форматлари ишлаб чиқилади.


Ҳисобга олиш ахборотлари корхонанинг кадастр дафтарига ёзилади ва ЭОДК ААТга киритилади

25. Энергетика объектларини иқтисодий баҳолаш солиқ солиш, хусусийлаштириш ва бошқа мақсадлар учун ҳар қайси объект қийматини баҳолаш учун амалга оширилади.

Энергетика объектларини иқтисодий баҳолаш уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

26. Энергетика объектлари кадастр ахборотларининг ишончлилиги учун «Ўзбек-энерго» давлат-акциядорлик компаниясининг ЭОДКни юритишни амалга оширувчи таркибий бўлинмалари раҳбарлари жавоб беришади.

### Энергетика объектлари давлат кадастрини юритиш схемаси



\* Стрелкалар билан кадастр ахборотлари ҳаракати йўналиши белгиланган.

1. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси тизимида ҳамда унинг тизимидан ташқарида фаолият кўрсатадиган энергетика объектлари мулкдорлари/фойдаланувчилари энергетика объектлари бўйича кадастр ахборотларини ЭОКХга тақдим этадилар.

2. ЭОКХ ушбу объектлар мулкдорлари ва фойдаланувчиларидан энергетика объектлари бўйича кадастр ахборотларини тўплайди, ўз ҳудудлари доирасида кадастр ишини шакллантиради, энергетика объектлари бўйича ахборотларни «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг «Ўзэнергосозлаш» унитар корхонаси кадастр хизматига беради.

3. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг «Ўзэнергосозлаш» унитар корхонаси кадастр хизмати давлат ер кадастридан ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастридан ер участкалари, бино ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотларни олади.

4. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг «Ўзэнергосозлаш» унитар корхонаси кадастр хизмати энергетика объекти ЭОДКга киритилгандан кейин кадастр ахборотларини «Ергеодескадастр» давлат қўмитасининг ДКЯТ маълумотлар базасига беради.

5. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг «Ўзэнергосозлаш» унитар корхонаси кадастр хизмати сўров бўйича «Ергеодескадастр» давлат қўмитасининг ДКЯТ маълумотлар базасидан энергетика объектлари бўйича ахборотларни олиши мумкин.

6. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг «Ўзэнергосозлаш» унитар корхонаси кадастр хизмати энергетика объектлари бўйича зарур ахборотларни ЭОКХга юборади.

7. ДКЯТдан фойдаланувчилар сўров бўйича «Ергеодескадастр» давлат қўмитасининг ДКЯТ маълумотлар базасидан энергетика объектлари бўйича кадастр ахборотларини олиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 30 июндаги 152-сон қарорига  
6-ИЛОВА

## Табий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юретиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Табий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (ТХЮЗДК) «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ)ни яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда ушбу Низомга мувофиқ юритилади.

2. ТХЮЗДК ДКЯТнинг таркибий қисми ҳисобланади ва тизимли кузатишлар, тадқиқотлар ҳамда ахборотлар тўплаш натижалари бўйича тайёрланадиган, доимо янгиланган ва зарурат бўлганда аниқлаштириладиган табий хавф юқори бўлган зоналар (ТХЮЗ)нинг унификация қилинган тавсифлари ва тасвирлари тўпламидан, ҳар йили рўй берган хавфли табий ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар тўпламидан иборат бўлади.

3. ТХЮЗДК кадастр объектларини ҳисобга олишни, уларнинг ҳолатини ва рўй берган хавфли табий (геологик, гидрометеорологик) жараёнлар (ҳодисалар) оқибатларини баҳолашни таъминлаш мақсадида юритилади.

4. ТХЮЗДКни юритиш қўйидаги ваколатли органлар:

хавфли геологик жараёнлар рўй берадиган зоналар (ХГЖРЗ) бўйича — Давлат геология қўмитасининг «Ўзбекгидрогеология» давлат геология қорхонаси томонидан;

сейсмик хавф юқори бўлган зоналар (СХЮЗ) бўйича — СХЮЗ бўйича кадастр ахборотларини тайёрлаш ва реализация қилиш (сейсмология хулосалари, уларни экспертизадан ўтказиш, даврий баҳолаш, муфассал тадқиқ этиш) учун ягона масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Сейсмология институти томонидан;

гидрометеорология ҳодисалари хавфи юқори бўлган зоналар (ГМХХЮЗ) бўйича — «Ўзгидромет» маркази томонидан амалга оширилади.

5. ТХЮЗДКни юритиш:

кадастр ахборотларини тўплаш, тизимлаштириш, сақлаш, ҳисобга олиш ва баҳолаш;

ДКЯТга киритиш учун ҳар йилги ахборот ҳисоботларини тузиш;

фойдаланувчиларни ТХЮЗДК бўлимларини юритиш бўйича ваколатли вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланган тартибда кадастр ахборотлари билан таъминлаш йўли билан амалга оширилади.

6. Кадастр объектларини ҳисобга олиш тўғрисидаги, ҳар йили — рўй берган хавфли табий жараёнлар, уларнинг миқдор ва сифат тавсифлари, рўй берган қўйидаги хавфли табий жараёнлар, (ҳодисалар) оқибатлари тўғрисидаги мунтазам равишда янгиланган ва тўлдириб бориладиган маълумотлар ТХЮЗДКнинг асосини ташкил қилади:

хавфли геологик жараёнлар рўй берадиган зоналарда — ХГЖРЗ (зилзилалар,

кўчкилар, емирилишлар, чўкишлар, ўпирилишлар, суффозиялар, карстлар ва бошқалар);

гидрометеорология ҳодисалари хавфи юқори бўлган зоналарда — ГМХХЮЗ (сув тошқинлари, селлар, қор кўчкилари, кучли шамоллар, жалалар, қурғоқчилик, сув босиши ва бошқалар).

7. Қуйидагилар ТХЮЗДКнинг асосий принциплари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудини қамраб олиш;  
координаталарнинг ягона тизимини ва ягона топография асосларини қўлланиш;  
ҳисобга олиш ягона тизимини, кадастр ахборотларини ишлаш ва тақдим этиш методикасини қўлланиш;

автоматлаштирилган геоахборот технологияларини қўлланиш;

маълумотларнинг ишончилиги ва кўргазмалилиги, кадастр ахборотларини ҳар йили тўлдириб ва янгилаб бориш;

кадастр ахборотларининг очиқлиги.

8. ТХЮЗДКни яратиш ва юритиш билан боғлиқ ишлар тегишли вазирликлар ва идораларга мақсадли фойдаланиш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

## II. ТХЮЗДК объектлари

9. Қуйидагилар ТХЮЗДК объектлари ҳисобланади:

ХГЖРЗ бўйича — хавfli геологик жараёнлар рўй бериш зонаси (дарёлар ҳавзаси) элементлари — хавfli геология жараёнлари ривожланадиган кичик зоналар (сой ҳавзаси), участкалар;

СХЮЗ бўйича — зилзила марказлари пайдо бўлиши муқаррар зоналар (сейсмоген зоналар) ва турлича тоифадаги сейсмик таъсир зоналари;

ГМХХЮЗ бўйича — хавfli гидрометеорология ҳодисалари рўй бериш зоналари (дарёлар ҳавзаси), элементлари — хавfli гидрометеорология ҳодисалари ривожланадиган кичик зоналар.

Қуйидагилар ҳисобга олишнинг бошланғич ҳудудий бирлиги ҳисобланади;

ХГЖРЗ бўйича — 1,0 минг куб метрдан ортиқ ҳажмли хавfli геология жараёнларининг номунтазам рўй бериши. Шунингдек кадастр объектлари доирасида хавfli геология жараёнларига ҳар йили дуч келадиган майдон ҳам ҳисобга олинади. График ҳисобга олиш белгиланган шартли белгилардан фойдаланган ҳолда 1:25000 ва 1:200000 масштабни топография хариталарида амалга оширилади;

СХЮЗ бўйича — зилзилалар рўй берадиган зона ва 25 кв. км майдондаги турлича тоифада таъсир кўрсатиш зонаси ҳудуди. Шунингдек сейсмоген зонадан ташқарида зилзилалар рўй берганда, яъни силкиниш зонасида ёки сейсмик хавф анча паст бўлган зонада зилзила рўй берганда сейсмик хавфнинг юқори тоифасига ўтадиган майдонлар ҳам ҳисобга олинади. Сейсмик хавfli зоналарни акс этириш учун картография материаллари белгиланган тегишли шартли белгилардан фойдаланган ҳолда 1:1000000 ёки 1:500000 ва 1:200000 (айрим ҳудудлар учун) масштабда тузилади.

ГМХХЮЗ бўйича — хавfli гидрометеорология ҳодисалари содир бўладиган зона ҳудуди, дарё ҳавзаси (юқори, ўрта, қуйи оқим), тоғ массиви (ёнбағир экспозицияси). Хавfli гидрометеорология зоналарини акс этириш учун картография материаллари белгиланган тегишли шартли белгилардан фойдаланган ҳолда 1:1000000 ёки 1:500000 ва 1:200000 (айрим ҳудудлар учун) масштабда тузилади.

### III. ТХЮЗДК маълумотлари таркиби

10. ТХЮЗДК маълумотлари таркибига қуйидагилардан иборат бўлган ҳисобга олиш ва баҳолаш ахборотлари киради:

ХГЖРЗ бўйича:

кадастр объектининг (хавфли геология жараёнлари рўй бериш зонаси) ва кадастр объекти элементларининг (кичик зона ва участка) номи;

кадастр номери (сой ҳавзаси, хавфли геология жараёнлари — ХГЖ ривожланиш участкаси);

кадастр объектининг, ривожланиши мумкин бўлган ва ҳар йили ХГЖ билан зарарланадиган майдон ҳажмлари;

жойлашган ўрни (ХГЖ рўй берган жой, маъмурий манзили, координаталари);

ХГЖнинг ривожланиш турлари (кўчкилар, ўпирилишлар, чўкишлар, емирилишлар, суффизиялар ва карстлар);

хавфли геология жараёнлари рўй бериш зонасида жойлашган объектлар рўйхати;

хавфли геология жараёнлари етказган зарар тўғрисидаги маълумотлар;

1:25000 масштаби хавфли геология жараёнлари рўй бериш зоналарининг кадастр хариталари (ҳисобдаги, оператив) ҳамда қоғоз ва электрон манбалардаги 1:200000 масштаби кадастр объектлари хариталари;

СХЮЗ бўйича:

кадастр объектининг номи — турлича тоифали сейсмик хавфли зоналар, кадастр объекти элементлари — сейсмоген зоналар, тоифалар бўйича табақалаштирилган сейсмик таъсирнинг сейсмогенлараро майдонлари, кучли зилзилалар маркази (плей-стосейст) худудлари;

сейсмоген зоналарнинг, сейсмик хавф тоифалари бўйича сейсмик таъсирнинг сейсмогенлараро майдонлари кадастр номери;

сейсмоген зоналарнинг ва сейсмик таъсир зоналарининг характерли таъсирлари (кенглиги ва узунлиги) билан белгиланадиган кадастр объекти ҳажмлари;

юқори сейсмик хавфнинг ривожланиш турлари (сейсмоген зоналар доирасида кучли зилзилаларнинг такрорланувчанлиги, муайян майдонда силкинишлар такрорланувчанлигининг муқаррарлик баҳоси);

юқори сейсмик хавф зоналаридаги объектлар рўйхати;

юқори сейсмик хавф етказган зарар тўғрисидаги маълумотлар (ижтимоий, иқтисодий, экологик);

айрим худудлар учун 1:1000000, 1:500000, 1:200000 масштаби табиий хавф юқори бўлган сейсмик зоналарнинг қоғоз ва электрон манбалардаги кадастр хариталари;

ГМХХЮЗ бўйича:

кадастр объектининг (гидрометеорология ходисаларининг юқори хавфли зоналари, дарёлар ҳавзаси, тизмотоғ ёнбағирлари, котловина), кадастр объекти элементлари (кичик зона — сой ҳавзаси, ёнбағир жойлашуви, гидрометеорология хавфининг рўй бериш участкаси) номи;

кадастр номери (дарё ва сой ҳавзаси, тизмотоғ ёнбағири, котловина бўйича);

жойлашган ўрни (маъмурий манзили, хавфли гидрометеорология ходисаси рўй бериш участкаси);

хавфли гидрометеорология ходисасининг турлари (тавсифи);

пайдо бўлишининг асосий сабаблари;

хавфли гидрометеорология ходисаларининг рўй бериш зонасида жойлашган объектлар рўйхати;

хавфли гидрометеорология ҳодисалари етказган зарар тўғрисидаги маълумотлар;

хавфли гидрометеорология ҳодисалари рўй бериш зоналарининг қоғоз ва электрон манбалардаги 1:25000, 1:200000 масштабли кадастр хариталари.

#### **IV. ТХЮЗДКни ҳар йили баҳолаш**

11. ТХЮЗДКни ҳар йили баҳолаш мазмуни қуйидагилардан иборат бўлади:  
ер юзасининг амалда зарарланишини баҳолаш;  
хавфли табиий жараёнлар ва ҳодисалар рўй бериши интенсивлигини баҳолаш;  
хавфли табиий жараёнлар ва ҳодисалар рўй беришидан ижтимоий, моддий ва экологик соҳаларда қўрилган зарарни баҳолаш.

#### **V. Кадастр ҳужжатлари**

12. Қуйидагилар кадастр ҳужжатларининг асосий турлари ҳисобланади:  
объектнинг кадастр иши (табиий хавф юқори зона паспорти);  
кадастр хариталари (1:25000 масштабли ҳисоб хариталари, 1:200000 масштабли кадастр хариталари, сейсмик районлаштириш (ОСР, ДСР) ва сейсмоген зоналарнинг 1:1000000, 1:500000, 1:200000 масштабли хариталари);  
кадастр дафтари (бошланғич кадастр ахборотлари шакллари);  
кадастр объектларининг ҳолати тўғрисидаги ҳисобот.  
Кадастр ҳужжатлари қоғоз, электрон ва бошқа манбаларда тузилади.

#### **VI. Кадастр маълумотларини бериш тартиби**

13. ТХЮЗДК бўйича маълумотлар «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига ваколатли органлар томонидан ҳар йили ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январигача бўлган ҳолатга кўра, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишилган шакл бўйича ва муддатларда бериледи.

14. ТХЮЗДКни юритиш ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

15. ХГЖРЗ бўйича Давлат геология қўмитаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига ДҚЯТ маълумотлар базасига киритиш учун ХГЖ рўй бериши тўғрисида қуйидаги йиғма ахборотларни тақдим этади:

хавфли зоналарнинг номи;

хавфли геология жараёнлари рўй берадиган зоналар ва зарарланиши мумкин бўлган майдонларнинг ҳажмлари;

жойлашган ўрни (содир бўлган жой: вилоят, туман, координаталар, эгаллаган майдони);

хавфли геология жараёнлари ривожланишининг энг кўп тури;

хавфли геология жараёнлари таъсир кўрсатадиган зонада жойлашган объектлар рўйхати;

хавфли геология жараёнлари рўй бериш зоналарининг 1:200000 масштабли жойлашиш схемаси.

16. СХЮЗ бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Сейсмология институти «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига ДҚЯТ маълумотлар базасига киритиш учун ҳудуднинг сейсмик хавфлилиги тўғрисида қуйидаги йиғма ахборотларни тақдим этади:




сейсмик хавфли зоналарнинг номи;  
сейсмик хавфли зоналарнинг макондаги ҳолати ва характерли ҳажмлари;  
сейсмик хавфлиликнинг энг кўп тури (пайдо бўлиш зоналари, силкиниш зоналари, ҳар хил турдаги сейсмик жойлашув ҳолати);  
зилзилалар каталоги;  
кучли зилзилалар марказлари (плейстосейс);  
сейсмоген зоналар ва сейсмик силкинишлар таъсир кўрсатадиган зоналарнинг 1:1000000 масштабли ҳамда айрим ҳудудлар учун 1:500000, 1:200000 масштабли жойлашиш хариталари.

17. ГМХХЮЗ бўйича «Ўзгидромет» маркази «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига ДҚЯТ маълумотлар базасига киритиш учун хавфли гидрометеорология ҳодисалари пайдо бўлиши мумкин бўлган зоналар тўғрисида қуйидаги йиғма ахборотларни тақдим этади:

хавфли зоналарнинг номи;  
жойлашган ўрни (вилоят, туман);  
гидрометеорология ҳодисаларининг энг кўп тури;  
хавфли гидрометеорология ҳодисаларининг вужудга келиш зоналарининг ва зарарланиши мумкин бўлган майдоннинг ҳажмлари;  
1:200000 масштабли кадастр хариталари (хавфли гидрометеорология ҳодисалари пайдо бўлиши мумкин бўлган зоналар ҳисоби);  
хавфли гидрометеорология ҳодисалари таъсир кўрсатадиган зонада жойлашган объектлар рўйхати.

18. ТХЮЗ кадастр ахборотларининг ишончлилиги учун ТХЮЗДКни юритиш зиммасига юкланган ваколатли органларнинг мансабдор шахслари жавоб берадилар.

### Табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юритиш схемаси



1. Худудий бўлинмалар ва ваколатли ташкилотлар хизматлари ТХЮЗ бўйича кадастр ахборотларини тўплайди.

2. Ваколатли ташкилотлар — Давлат геология қўмитасининг «Ўзбекгидрогеология» ДГК, Фанлар академиясининг Сейсмология институти, «Ўзгидромет» маркази ТХЮЗ бўйича кадастр ахборотларини умумлаштирадилар ва «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ДҚЯТ маълумотлар базасига беради.

3. Ваколатли ташкилотлар — Давлат геология қўмитасининг «Ўзбекгидрогеология» ДГК, Фанлар академиясининг Сейсмология институти, «Ўзгидромет» маркази сўров бўйича «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ДҚЯТ маълумотлар базасидан ТХЮЗ бўйича кадастр ахборотларини олишлари мумкин.

4. ДҚЯТдан фойдаланувчилар сўров бўйича «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ДҚЯТ маълумотлар базасидан ТХЮЗ бўйича кадастр ахборотларини олишлари мумкин.

\* Стрелкалар билан кадастр ахборотлари ҳаракати йўналиши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 30 июндаги 152-сон қарорига  
7-ИЛОВА

## Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юретиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (ТХЮЗДК) «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ)ни яратиш ва юретиш тартиби тўғрисидаги низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда ушбу Низомга мувофиқ юритилади.

2. ТХЮЗДК ДКЯТнинг таркибий қисми ҳисобланади ва тизимли кузатишлар, ўлчашлар, тадқиқотлар ҳамда ахборотлар тўплаш натижалари бўйича тайёрланадиган техноген хавф юқори бўлган зоналар (ТХЮЗ)нинг унификация қилинган қисқача тавсифлари ва тасвирлари тўпламидан иборат бўлади.

3. ТХЮЗДК кадастр объектларини ҳисобга олишни, уларнинг ҳолатини ва рўй берган хавфли техноген ҳодисалар оқибатларини баҳолаш мақсадида юритилади.

4. ТХЮЗДКни юретиш ТХЮЗни хатловдан ўтказиш, унинг тавсифлари ва параметрларини баҳолаш, кадастр ахборотларини ҳужжатлаштириш, ҳисобга олиш ҳамда ундан техноген авариялар ва ҳалокатларни олдини олиш бўйича профилактика ва огоҳлантириш чораларини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш, улар вужудга келган тақдирда эса — уларни тезкорлик билан маҳаллийлаштириш ва бар-тараф этишни таъминлаш орқали таъминланади.

5. Техноген ҳодисалар (ёнгинлар, портлашлар, зарарли моддаларни ташқарига чиқариш, бинолар, иншоотлар, техник қурилмаларнинг бузилишлари ва шу каби-лар) рўй бериши мумкин бўлган хавфли ишлаб чиқариш объектлари зоналари ТХЮЗДК объектлари ҳисобланади, уларда:

а) қуйидаги хавфли моддалар ишлаб чиқарилади, фойдаланилади, қайта ишланади, вужудга келади, сақланади, ташилади, йўқ қилинади:

портлаш — ёнгин учун хавфли муҳитни вужудга келтиришга қодир бўлган моддалар;

инсон организмига таъсир кўрсатиш даражаси бўйича хавфлиликнинг I, II, III классларига мансуб бўлган зарарли моддалар;

ташқи таъсирнинг муайян турларида иссиқлик чиқарган ва газ ҳосил қилган ҳолда ўз-ўзидан ғоят жадал тарқаладиган, кимёвий ўзгаришга қодир бўлган портловчи моддалар;

радиоактив моддалар ва материаллар;

инсон саломатлиги ва атроф муҳит учун хавфли моддаларга эга бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари;

б) 0,07 мегапаскалдан юқори босимда ёки суюқлик қайнайдиغان ҳароратдан юқори ҳароратда ишлайдиган асбоб-ускуналардан фойдаланилади;

в) турғун ўрнатилган юк кўтарувчи механизмлар, эскалаторлар, осма йўллар, фуникулерлардан фойдаланилади;

г) қора ва рангли металллар эритмалари ҳамда ушбу эритмалар асосида sanoat ҳажмларида қотишмалар олинади;

д) кон, геология-кидирув, портлатиш ишлари, нефть ва газ қазиб олиш ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бойитиш ишлари, ер ости шароитларидаги, денгиз шельфларидаги ва ички сув ҳавзаларидаги ишлар олиб борилади;

е) барча турдаги саноат электр қурилмалари қўлланади;

ж) гидротехника иншоотларидан, шу жумладан чиқиндихоналардан ва йирик корхоналарнинг тиндиргичларидан фойдаланилади;

з) ионли нурланишлар манбаларидан фойдаланилади.

Ушбу банднинг а)-з) кичик бандларида кўрсатилган хавфлар белгиларига эга бўлган корхоналар ёки уларнинг цехлари, участкалари, майдончалари ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек бузилиши фавқулодда вазиятларга (сув, газ, ис-сиклик, электр энергияси таъминотининг тўхтаб қолишига, уй-жой массивларини сув босишига, канализация ва сувни тозалаш тизимларининг ишдан чиқишига) олиб келиши мумкин бўлган объектлар хавфли ишлаб чиқариш объектлари ҳисобланади.

6. ТХЮЗДКни юритиш қўйидаги бўлинмалар томонидан:

ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланадиган ташкилотлар томонидан,

ишлаб чиқариш объектларида, портлаш-ёнғин чиқиши ва радиация хавфи мавжуд бўлган объектларда авария ҳоллари содир бўлиши мумкин бўлган юқори хавфли зоналар бўйича — Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилиши бўйича давлат инспекциясининг, унинг тармоқ ва минтақавий инспекцияларининг Техноген хавф юқори бўлган зоналарнинг бош кадастр маркази (кейинги ўринларда ТХЮЗ БКМ деб аталади) томонидан;

одамларни эвакуация қилишни ёки кўчиришни талаб қиладиган хавф юқори бўлган зоналар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Техноген хавф юқори бўлган зоналарнинг кадастр маркази томонидан;

портлаш ва ёнғин чиқиши хавфи юқори бўлган зоналар (объектлар) бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг ТХЮЗ КМ томонидан;

кучли таъсир қилувчи захарли химикатлар, пестцидлар, радиоизотоп буюмлар, радиоактив ва бошқа моддаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш объектлари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази ва унинг ҳудудий марказлари ТХЮЗ КМ томонидан;

ядро физикаси корхоналарида радиация хавфи юқори бўлган зоналар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг ТХЮЗ КМ томонидан амалга оширилади.

7. ТХЮЗ БКМ ТХЮЗДКни юритишни мувофиқлаштиради.

8. Қўйидагилар ТХЮЗДКни юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

ТХЮЗ билан республиканинг бутун ҳудудини қамраб олишнинг тўлиқлиги;

кадастр ахборотларининг ишончлилиги, кўргазмаллиги ва ҳужжатлилиги;

барча объектлар бўйича кадастр ахборотларини шакллантириш ва уларни ҳар йили янгилаб бориш методологиясининг ягоналиги;

макон координаталари ягона тизимини ва ягона топография асосларини қўлланади;

кадастр ахборотларининг очиқлиги.

9. Қўйидагилар ТХЮЗДКнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ТХЮЗ тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш, ишлаш, ҳисобга олиш, тизимлаштириш, сақлаш, янгилаб бориш;

ТХЮЗ паспортларини тузиш ва юритиш;

кадастр дафтарини юритиш, ТХЮЗ кадастр режаларини ва хариталарини тузиш; давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни зарур кадастр ахборотлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминлаш.

10. ТХЮЗДКни юритиш бўйича ишлар давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

## II. ТХЮЗДКни юритишни ташкил этиш

11. ТХЮЗДК тегишли ваколатли органларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланган дастурлар ва жадваллар асосида юритилади, уларда кузатишлар, ТХЮЗнинг бошланғич ва жорий кадастр ахборотларини тўплаш, ишлаш, тадқиқотлар тартиби белгиланади.

12. Ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар:

хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификация қилади;

бошланғич ва жорий кадастр ахборотларини ҳамда ТХЮЗнинг миқдор ва сифат бўйича ҳолатидаги, иқтисодий баҳолашдаги, уларнинг атроф муҳитга таъсир кўрсатишидаги ўзгаришларни тўплаш ва тизимлаштиришни амалга оширади.

ТХЮЗ кадастр дафтарларини юритади, маълумотлар базасини тўлдиради ва уларни тизимлаштириш ҳамда ТХЮЗДК ААТга киритиш учун ТХЮЗДК БКМга беради;

ТХЮЗ кадастр паспортларини ишлаб чиқади;

ўзгаришларни кадастр паспортларига ўз вақтида киритишни таъминлайди;

янги ТХЮЗлар ҳисобини юритади, улар тўғрисидаги баҳолаш ахборотларини тўплайди;

кадастр ахборотларининг ишончилиги ва уларнинг ТХЮЗДК ААТга киритиш учун ўз вақтида тақдим этилиши учун жавоб беради.

13. Ҳар қайси ТХЮЗ учун «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси билан келишган ҳолда белгиланган намунадаги кадастр паспорти расмийлаштирилади ва тасдиқланади.

14. Қуйидагилар объектнинг кадастр паспортини тузиш учун бошланғич маълумотлар ҳисобланади:

ўз кузатишлари, ўлчашлари ва тадқиқотлари натижалари бўйича олинган маълумотлар;

санитария-техника паспортлари, саноат хавфсизлиги декларацияси, ишлаб чиқариш-техника, конструкторлик, технологик, фойдаланиш ҳужжатлари;

ТХЮЗ тўғрисида корхоналар, ташкилотлар ва бошқа расмий манбалардан олинган ахборотлар.

15. Кадастр паспортларини ишлаб чиққан ваколатли органлар 5 кун муддатда уларнинг нусхаларидан бир нусхадан:

ТХЮЗ БКМга;

ТХЮЗ БКМнинг тегишли минтақавий бўлинмасига;

ТХЮЗ КМга;

ТХЮЗ КМнинг тегишли минтақавий бўлинмасига тақдим этади.

16. ТХЮЗ БКМ ва ТХЮЗДК КМ ваколати бўйича кадастр паспортларини текширади ҳамда тегишли рўйхатдан ўтказиш ахборотларини ва бошқа асосий ахборотларни кадастр дафтарида ёзиб қўяди.

17. ТХЮЗ БКМ ҳар йили ДҚЯТга киритиш учун ҳисобот йилидан кейинги

йилнинг 1 мартига «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига зарур кадастр ахборотларини тақдим этади. Кадастр маълумотларини тақдим этиш шакли ва уларнинг ҳажми «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан тасдиқланади ва «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишилади.

### III. ТХЮЗДКни юритиш тартиби

18. ТХЮЗДК техноген хавф юкори (ТХЮ) бўлган ходисаларнинг рўй бериши мумкин бўлган ҳар қайси зонаси ёки маркази бўйича маълумотларга эга бўлади.

19. ТХЮЗДКни юритиш ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

20. Қўйидагилар ТХЮЗДКнинг таркибий қисмлари ҳисобланади:

хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификация қилиш ва ТХЮ ходисалар рўй бериши мумкин бўлган зоналарни рўйхатдан ўтказиш;

ТХЮЗнинг миқдор ва сифат тавсияларини ҳисобга олиш;

ТХЮЗни иқтисодий, экологик ва ижтимоий баҳолаш.

21. ТХЮЗнинг кадастр ахборотлари қўйидагилардан иборат бўлади:

ТХЮЗнинг рўй бериши мумкин бўлган тури кўрсатилган ҳолда кадастр объектининг номи;

ТХЮЗнинг жойлашган ўрни;

ТХЮ ходисаларни вужудга келтирадиган хавфли ишлаб чиқариш объектининг идоравий мансублиги ва уни фойдаланишга киритиш санаси;

хавфли ишлаб чиқариш объектининг фойдаланиш мақсади (агар хавф антропоген омиллар таъсирида вужудга келса ва табиий ҳодиса бўлмаса);

хавфли ишлаб чиқариш объектини ҳисобга олиш санаси;

объектнинг кадастр номери;

ТХЮЗда жойлашган хавфли ишлаб чиқариш объектларининг рўйхати;

ТХЮЗнинг ҳисобга олинган вақтдаги ҳолати;

картография материаллари — ТХЮ ходисанинг рўй бериши мумкин бўлган зоналар тасвирига эга бўлган, ТХЮ ходиса таъсирига учраган майдонлар (зоналар) ҳажмлари кўрсатилган ҳолдаги тегишли масштаби топография хариталари.

22. ТХЮЗнинг ҳисобга олинадиган ахборотлари қўйидагилардан иборат бўлади:

хавфли ишлаб чиқариш объектининг хавфлилик белгилари рўйхати;

хавфли ишлаб чиқариш объектининг технологик асбоб-ускунаси тавсифи;

хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги хавфли моддалардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар;

зарар етказадиган ва бузувчи омиллар тавсифлари: таъсирларнинг кучи, тезлиги, ҳажми, туркумлиги, частотаси, асосий йўналиши ва рўй бериш тезлиги;

инсон саломатлигига ва атроф табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар рўйхати:

санитария-муҳофаза ва қўриқлаш зоналари тўғрисидаги маълумотлар;

инсон фаолияти турларини чеклаш зарур бўлган участкалар чегаралари ёки масофалар тўғрисидаги маълумотлар;

одамларни эвакуация қилишни ёки қўчиришни талаб қиладиган зоналар тавсифи;

ТХЮЗ ҳудудларидан фойдаланишнинг белгиланган режими, ТХЮЗда ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятининг, одамлар яшаши ва бўлишининг асосий шарт-шароитлари;

ТХЮ ходисалар таъсирига учраган объектлар ва иншоотлар, ушбу объектларнинг бузилиши ва шикастланиши даражаси тўғрисидаги маълумотлар.

23. ТХЮЗни баҳолаш ахборотлари қуйидагилардан иборат бўлади:

ТХЮЗни ўрганиш бўйича аэросуратга олишлар, гидрометеорология, муҳандислик, геология, сейсмик, технологик, экологик тадқиқотлар ва бошқа ишлар натижалари тўғрисидаги синовдан ўтказилган ҳисоботлар;

авариялар хавфини ва рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни баҳолаш бўйича хулосалар;

санитария-гигиена шароитлари тўғрисидаги, сув, ҳаво, ер, ифлослантирувчи (зарарли) моддалар концентрациялари ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

фаолияти ТХЮ ходисалар билан боғлиқ бўлган корхоналар томонидан ТХЮЗни идоровий текширишлар натижалари бўйича хулосалар;

ТХЮЗни ўрганишган (текширишган) расмий комиссиялар ва мутахассисларнинг эксперт хулосалари;

ТХЮЗдаги ва унинг яқинидаги ер, сувдан фойдаланиш, у ерда турли мақсаддаги объектларни жойлаштириш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар;

ТХЮ ходисалар етказган зарар тўғрисидаги маълумотлар.

24. Ҳисобга олиш ва баҳолаш маълумотлари ТХЮЗ тўғрисидаги кадастр ахборотлари йиғиндисидан иборат бўлади, у алфавит-рақамли (матнлар, жадваллар) ва чизма (хариталар, схемалар) кўринишида тақдим этилади, қоғоз ва/ёки электрон манбаларда белгиланган намунадаги кадастр паспорти шаклида расмийлаштирилади.


25. ТХЮЗДКни юритиш кадастр ахборотлари узлуксиз равишда янгилаб боришни таъминловчи асосий (бошланғич) ва жорий ҳисобга олиш (рўйхатлар) турларидан иборат бўлади.

26. ТХЮЗни дастлабки рўйхатдан ўтказишда (рўйхатлар тузишда) хавфли ишлаб чиқариш объектлари идентификация қилинади, уларнинг миқдор ва сифат тавсифлари, ТХЮ ходисаларнинг рўй бериши ва таъсирлари динамикаси қайд этилади. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификация қилиш усуллари, ТХЮЗ тавсифлари таркиби «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишган ҳолда тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланадиган тегишли норматив ҳужжатлар билан белгиланади. Рўйхатдан ўтказиш ахборотлари ва бошқа асосий маълумотлар кадастр дафтарига ёзилади.

27. Жорий ҳисобга олишда бошланғич ҳисобга олишдан кейин рўй берган барча ўзгаришлар ва ТХЮЗнинг рўй берган янги марказлари қайд этилади. Қайд этилган жорий ўзгаришлар кадастр паспортига ва кадастр дафтарига киритилади ҳамда ТХЮЗДК КМ ва ТХЮЗДК БКМга берилади.

28. ТХЮЗ кадастр ахборотларининг ишончилиги учун ТХЮЗДКни юритиш зиммасига юкланган ТХЮЗ КМ ва ТХЮЗ БКМ, хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг мансабдор шахслари жавоб берадилар.

### Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юритиш схемаси



\* Стрелкалар билан кадастр ахборотлари ҳаракати йўналиши белгиланган.

1. Низомнинг 5-бандида кўрсатилган хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар ўз объектлари бўйича кадастр ахборотларини тўплайдилар ва уларни тегишли ваколатли идораларга берадилар.

2. Ваколатли идоралар Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология республика маркази, Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти республика бўйича ТХЮЗ кадастр ахборотларини тўплайдилар ва уларни ТХЮЗДКни юритиш бўйича бош идорага — «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига берадилар.

3. ТХЮЗДКни юритиш бўйича бош идора — «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ТХЮЗ объектлари бўйича кадастр ахборотларини «Ергедезкадастр» давлат қўмитасининг ДКЯТ маълумотлар базасига беради.

4. «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг бош идораси сўров бўйича «Ергедезкадастр» давлат қўмитасининг ДКЯТ маълумотлар базасидан ТХЮЗ бўйича ахборотларни олиши мумкин.

5. Ваколатли идоралар — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология республика маркази, Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти сўров бўйича «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг бош идораси орқали «Ергедезкадастр» давлат қўмитасининг ДКЯТ маълумотлар базасидан ТХЮЗ бўйича ахборотларни олиши мумкин.

6. Низомнинг 5-бандида кўрсатилган хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар сўров бўйича «Ергедезкадастр» давлат қўмитасининг ДКЯТ маълумотлар базасидан ТХЮЗ бўйича ахборотларни олиши мумкин.

7. ДКЯТдан фойдаланувчилар сўров бўйича «Ергедезкадастр» давлат қўмитасининг ДКЯТ маълумотлар базасидан ТХЮЗ бўйича кадастр ахборотларини олиши мумкин.



**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**182** **Активлар сифатини таснифлаш, улар юзасидан эҳтимолий зарарлар бўйича тижорат банклари томонидан ташкил этиладиган захираларни тузиш ва фойдаланиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
20 июнда 632-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 30 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7, 17-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Активлар сифатини таснифлаш, улар юзасидан эҳтимолий зарарлар бўйича тижорат банклари томонидан ташкил этиладиган захираларни тузиш ва фойдаланиш тартибига (1999 йил 11 февраль, рўйхат рақами 632) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 11 июнь,  
13/8-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**183** Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
20 июнда 949-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 30 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ–56-сонли қарорининг 3 ва 4-бандларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низомга (2000 йил 5 июль, рўйхат рақами 949) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 12 май,  
10/1-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**184** Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси-  
да чет эл валютасида тузилган экспорт шартномала-  
рини рўйхатдан ўтказиш, ҳисоб-китобларни ва уларнинг иж-  
роси устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида ни-  
зомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
23 июнда 1482-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 3 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги 2005 йил 10 мартдаги ПҚ–24-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ихтисослаштирилган «Ўзаукционсавдо» ташкилотини тугатиш тўғрисида»ги 2005 йил 11 январдаги 13-сонли қарорига биноан **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасида чет эл валютасида тузилган экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисоб-китобларни ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага\* асосан тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 21 июнь,  
55-сон

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 21 июнь,  
59-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 21 июнь,  
263-В-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,  
2005 йил 21 июнь,  
01-02/19-16-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**185** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришларни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
27 июнда 1455-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 7 июлдан кучга киради)*

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 51-моддасига асосан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар лойиҳасини кўриб чиқиб ва муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1 «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги низомга (2005 йил 10 март, рўйхат рақами 1455-сон) ўзгартиришлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Адлия вазирлигида Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан ўн кун ўтгандан сўнг, кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 28 май,  
11/13-сон

Марказий банк Бошқарувининг  
2005 йил 28 майдаги 11/13-сонли  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат  
банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош  
бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари  
ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган  
номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби  
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар**

1. Низомнинг 21-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Тавсия этилаётган лавозимга мувофиқ эмас, деб топилган номзодлар ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган лавозимларга тайинланиши учун камида олти ой муддат ўтгандан сўнг, қайта тавсия этилиши мумкин.»

2. Низомнинг 1-иловасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тижорат банклари ва улар филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарларининг касбга мувофиқлигини аниқлаш комиссиясига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатида 9-хатбошиси ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Низомнинг 2-иловасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тижорат банклари ва улар филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарларининг касбга мувофиқлигини аниқлаш комиссиясига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатида 8-хатбошиси ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛIЯ BAZИPЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MAPKAZИЙ BAHKИ BOШҚAPУBИНИНГ  
ҚAPOPИ

**186** 2005 йилда юкларни транспортда ташиш учун Ўзбекистон Республикаси ичида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва Тожикистон Республикасининг давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
27 июнда 1483-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 7 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 20 майдаги 223-ф-сонли Фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2005 йилда юкларни транспортда ташиш учун ўзаро ҳисоб-китоблар ва Тожикистон Республикасининг давлат қарзини қоплаш тўғрисида 2005 йил 10 февралда имзоланган келишувга мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. «2005 йилда юкларни транспортда ташиш учун Ўзбекистон Республикаси ичида ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва Тожикистон Республикасининг давлат қарзи бўйича ўзаро хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида низом» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

3. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг 2004 йил 12 мартдаги 44 ва 251-В сонли қарорлари билан тасдиқланган «2004 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юкларни ташиш, газ, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар етказиб бериш ва Тожикистон Республикасининг давлат қарзини ундириш бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом» (2004 йил 30 март, рўйхат рақами 1331 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 13-сон, 166-модда) ўз кучини йўқотади.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 16 июнь,  
53-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 16 июнь,  
264-В-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAZIRINING  
BUYRUGHI**187** Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг  
миллий стандарти (23-сонли БҲМС) «Қайта ташкил  
этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шаклланти-  
риш»ни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
27 июнда 1484-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 7 июлдан кучга киради)*

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-модда-  
сига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил  
23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (23-сонли  
БҲМС) «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шаклланти-  
риш» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйха-  
тидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 12 апрель,  
37-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**188** Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг  
миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий ак-  
тивлар»ни янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
27 июнда 1485-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 7 июлдан кучга киради)*

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар» (янги таҳрири) иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 12 октябрда 49-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар» (1998 йил 20 октябрь, рўйхат рақами 506 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 6-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 19 июндаги 54-сонли «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар»га қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи» (2001 йил 29 июнь, рўйхат рақами 506-1 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 й., 12-сон).

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 25 март,  
35-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.



**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2005 йил 18 июндан 1 июлгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Активлар сифатини таснифлаш, улар юзасидан эҳтимолий зарарлар бўйича тижорат банклари томонидан ташкил этиладиган захираларни тузиш ва фойдаланиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 11 июндаги 13/8-сон қарори.*

*2005 йил 20 июнда 632-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 30 июндан кучга киради).*

2. «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 майдаги 10/1-сон қарори.*

*2005 йил 20 июнда 949-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 30 июндан кучга киради).*

3. «Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасида чет эл валютасида тузилган экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисоб-китобларни ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 21 июндаги 55, 59, 263-В, 01-02/19-16-сон қарори.*

*2005 йил 23 июнда 1482-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 3 июлдан кучга киради).*

4. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришларни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 28 майдаги 11/13-сонли қарори.*

*2005 йил 27 июнда 1455-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 7 июлдан кучга киради).*

5. «2005 йилда юкларни транспортда ташиш учун Ўзбекистон Республикаси ичида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва Тожикистон Республикасининг давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 16 июндаги 53, 264-В-сон қарори.*

*2005 йил 27 июнда 1483-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 7 июлдан кучга киради).*

6. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (23-сон БҲМС) «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»ни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 12 апрелдаги 37-сонли буйруғи.*

*2005 йил 27 июнда 1484-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 7 июлдан кучга киради).*

7. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сон БҲМС) «Номоддий активлар»ни тасдиқлаш тўғрисида» (янги таҳрирда) *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 12 апрелдаги 37-сонли буйруғи.*

*2005 йил 27 июнда 1484-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 7 июлдан кучга киради).*

### II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Юқларни транспортда ташиш, газ, ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб бериш учун Ўзбекистон Республикаси ичида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва 2004 йилда Тожикистон Республикасининг давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (2004 йил 16 июнь, рўйхат рақами 1331).*

*Адлия вазирининг 2005 йил 27 июндаги 92-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сон БҲМС) «Номоддий активлар», 1-сонли ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (1998 йил 12 октябрь, рўйхат рақами 506; 2001 йил 29 июнь рўйхат рақами 506-1).*

*Адлия вазирининг 2005 йил 27 июндаги 94-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**